جدید

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

2024-yil 22-noyabr
№ 48(48)
www.jadid-media.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

“МАРДОНА ЭЛЛАРИМ БОРДИР”



Ажиниёз ўзининг бетакрор ва сермазмун ижоди билан халқимиз маданияти ва адабиётини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва оғзибирчиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган улкан ижодкордир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

(4-саҳифада ўқинг).

КУН НАФАСИ

ПАРЛАМЕНТ

ХАЛҚ УЙИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йил 18 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида сўзлаган нутқида сайловда депутат деган шарафли номга сазовор бўлган юртдошларимизни чин қалбдан самимий табриклади. Президентимиз эътироф этганидек, сайлов натижасида Қонунчилик палатаси таркиби қарийб 60 фоиз янгиланиб, 87 нафар янги депутат сайланди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ МЕЪМОРИ

Ҳар қандай сайлов инсон, жамият ва давлат учун муҳим сиёсий жараёндир. Айниқса, жаҳондаги бугунги кескин ва таҳликали вазиятда бундай умумхалқ тадбирларини ўтказиш янада катта масъулият талаб этади.

Бу галги сайлов янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқ ўтказилган илк сайлов сифатида тарихга кирди. Ҳуқуқ ва ваколатлари сезиларли даражада кучайган, масъулияти бир неча карра ортган янги халқ вакиллиги тизими шакллантирилди, деди давлатимиз раҳбари.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги 8 йилда Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг алоҳида ва қўшма мажлисларида 17 марта нутқ сўзлади ҳамда маърузалар қилди.

Парламент фаолияти Президентимизнинг доимий эътиборида турибди. Юртбошимиз парламент фаолиятини жуда яхши билади, чунки ўз даврида 15 йил депутат мақомида фаолият олиб борган.

Ўзбекистон Президенти ўтган даврда халқаро парламент ташкилотлари раҳбарлари билан 10 мартадан ортиқ, шунингдек, миллий парламентлар раҳбарлари билан ҳам жуда кўп марта учрашди. Парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор таклиф ва ташаббуслар билан чиқди.

Юртбошимиз парламент форумларига мунтазам равишда табрик йўллайди. Хорижий мамлакатларга ташрифлари чоғида ҳам доим парламент раҳбарлари билан учрашади.

Буларнинг барчаси – Президентимиз Ўзбекистон парламентига ишониши ва таянишидан далолатдир. Миллат Сардорининг ўз таъбири билан айтганда: **“Кучли парламент ва халқ вакиллик органлари – Янги Ўзбекистоннинг таянчидир”.**

Яна бир муҳим мезон: янги таркибдаги қуйи палатанинг илк мажлисида ўтган беш йил давомида Қонунчилик палатаси самарали фаолият кўрсатгани эътироф этилди.

(Давоми 2-саҳифада).

ДОЛЗАРБ МАСАЛА

ЦИРКУЛЯР ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ

Куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллашга бағишланган мажлисида Юртбошимиз томонидан 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб номлаш таклифи билдирилди. Охирги йилларда тез-тез тилга олинаётган “яшил” иқтисодиёт ёки циркуляр иқтисодиёт тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ҳозирча, афсуски, ҳамма ҳам тўла англаб етганича йўқ. Бу атамалар ва уларнинг туб мақсади ҳақида маълумот берувчи материалларни оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез эълон қилиб туриш, масъул ташкилотлар томонидан олиб борилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли орасида экологик маданиятни кенгроқ ёйиш ва барчани атроф-муҳитни асраб-авайлашга ундаш бу борада кўзланган мақсадларимизга эришишга ёрдам бериши шубҳасиздир. Бунинг учун аввало, циркуляр иқтисодиёт ўзи нималиги ва қандай ишлаши ҳақидаги маълумотларни кўпроқ ёйинлаш лозим.



Циркуляр иқтисодиёт “ёпиқ цикл”га эгалиги боис цикллик иқтисодиёт ҳам дейилади. У ишлаб чиқариш ва истеъмол модели ҳисобланиб, анъанавий, яъни “чизиқли” иқтисодиётнинг муқобили сифатида майдонга чиқади. Ўтган асрнинг 70-йилларидан эътиборан циркуляр иқтисодиёт тамойилларига эътибор қаратила бошланди ва 80-йилларда у жадал ривожланди. Саноати тараққий этган мамлакатларда бу борада сезиларли натижаларга эришилган. Масалан, Япониянинг машҳур Камикацу қишлоғида чиқинди миқдори нолга туширилган, улар 43 йўналишда сараланиб, кейин ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Экология муаммоси жаҳон миқёсида тобора жиддийлашиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Сўнгги йилларда аҳоли сони кўпайиши, шаҳарларнинг кенгайиши ва саноатнинг ривожланиши боис чиқинди ҳажми сезиларли даражада ошди.

(Давоми 3-саҳифада).

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲАЗРАТИ ИНСОН

Одам Ато билан Момо Ҳаволар –
Шунчаки келмади айлаб сафолар.
Илк буғдой экган ҳам шулар бўлгайдир,
Уйларинг буғдойга бугун тўлгайдир.

Худойим кўп ирқу миллат яратмиш,
Меҳнату заҳматдан ҳикмат яратмиш.
Бир нафас олами куброга боққил,
Кўксингда асрлар машъалин ёққил.

Ҳазрат Яссавийдан дуоларим бор,
“Девони ҳикмат”дай дунёларим бор.
Мақбара қурдирган бобом Темурхон –
Ҳазрати инсондир, ҳазрати инсон.

Эл-улус дардида чеккан ғам-ҳасрат,
Ҳазрати инсондир Навоий ҳазрат.
“Бобурнома” асли ҳасрати Бобур,
Уни битган инсон – ҳазрати Бобур.

Жаҳолатга қарши маърифат деган,
Маърифат деганга мағфират деган.
Манов Кунхўжадир, Бердақдир манов,
Муҳитни ёритган қўш улуғ ялов.

Инсон болалари қошу қароқдир,
Бир ён ўзбек, бир ён қорақалпоқдир.
Жайхундарё узра кўприклар солган,
Давру замонларни бир қила олган.

Ҳазилакам замон эмас бу замон,
Унинг Бош меъмори – ҳазрати инсон.
Мўйноқни қайтадан бунёд айлаган,
Элу халқ кўнглини обод айлаган.

Бир лаҳза ифтихор гулханин ёққил,
Бўзатовдан туриб Нукусга боққил:
Бундай давру даврон қайларда эди?
Ноланг дўмбираю найларда эди.

Сўра Иброҳимдай ошиқларингдан –
Айтар ёру диёр қўшиқларидан.
Шунчаки ўтмади Тўлепбергенлар,
Эл дардин жон билан тўлаб берганлар.

Бугун қанча ҳайрат дўст юртлардадир,
Улуғ жонланишлар Устюртлардадир.
Менинг ҳам соғинчим, васлу фироғим,
Садағанг кетайин, Қорақалпоғим!

Бу дунёнинг кўрки – одам боласи,
Ажиниёз бобонинг бу дил хулосаси.
Дарёлар беркинди, сен бекинмадинг,
Орол чекинса ҳам, сен чекинмадинг.

Қаторда норинг бор – карвонларинг бор,
Оламни бўйлаган сарбонларинг бор.
Ўзини ўтга ҳам, чўққа урганлар –
Ҳазрати инсондир Ватан қурганлар.

Бугун қизларингдир, ўғилларингдир –
Эртан даҳоларинг, улуғларингдир.
Чўлу даштинг яшнаб гул диёр бўлсин,
Оғзибирчилигинг мангу бор бўлсин!

Авжни баланд олгил, қани, дўмбирам,
Бундай замонларни энди кўрмирам.
Дегандай турибди шодон ва шоён –
Ажиниёз бобо – ҳазрати инсон.

ЎЗБЕК ТИЛИМ – ЎЗ ТИЛИМ

ЯСМИНА ОМАР-МУН:

“МАҚОМ КУЙЛАБ, МАҚОМИМ ОШДИ”



Ўзбек тили юрагимга шунчалар яқинки, буни сўз билан таърифлай олмайман. Миллий, мумтоз қўшиқларни куйлаганимда ўзбек тилининг сеҳрини, ҳаётбахшлигини, нафислигини янада теранроқ ҳис қилиб бораман ва бундан кўнглим яйрайди, ич-ичимдан қувонаман.

(Давоми 6-саҳифада).

ТАРИХДАН САБОҚЛАР

...1904-05 йиллардаги Россия империяси ва Япония урушида самурайлар авлодларининг омади келиши чор маъмурлари пайтавасига қурт туширади – империяда ички ғалаёнлар тўлқини бошланади. Тўғри, истибдод асосида қурилган империя бу инқирозни “қонли якшанба” отлиқ қирғин ўлароқ сақлаб қолади. Аммо Биринчи жаҳон уруши бошланиши салтанат пойдеворига ўнглаб бўлмас дарз туширади.

“ЁШ ХИВАЛИКЛАР”:

АЛДАНГАНЛАР ҚИСМАТИ

Хоразм тахтида йигирма йилдан ортиқ ўтирган, Янги Урганч шаҳрига асос солган ҳукмдор, айни пайтда тарихчи ва олим Абулғозий Баҳодурхон “Шажараи турк” асарида юрт тарихини қаламга оларкан кўп ўринларда “юрт бузулғон эди” иборасини ишлатади. Муаррих бу ибора орқали салтанатда тахт алмашишлар ёки қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатда йўл қўйилган хато ва камчиликлар натижасида келиб чиққан ички туғёнлар, исёнлар, беҳуда қон тўкишларни афсус-ла қайд қилган.

Абулғозий Баҳодурхон айтмиш “юрт бузулғон” даврлардан бири айнан биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеаларга ҳам улгудир.

1904 йилда ташкил қилинган “Жамияти хайрия” ташкилоти Хоразмда жадидлик ҳаракатининг кенг оммалашишига сабаб бўлди. Бу ташкилот сармоядор инсонлар маблағлари ҳисобидан ўлканинг чекка ҳудудларида мактаблар очишга киришди.

Умуман олганда воҳада жадидлик икки оқимга эга бўлган. Унинг ўнг оқимига маърифатпарвар маъмур, хоннинг бош вазири Исломхўжа раҳбарлик қилиб, уларнинг мақсади хонликни сақлаб қолиш орқали сиёсий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш эди.

(7-саҳифада ўқинг).

МУНОСАБАТ

ЎҚТОМИР

Айни кунларда муҳтарам Президентимизнинг янги шаклланган парламентимиз палаталарининг илк йиғилишларида ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқларини барчамиз катта ҳаяжон ва диққат-эътибор билан тингладик.

Чунки давлатимиз раҳбари ушбу дастурий маърузаларда Янги Ўзбекистоннинг бугунги кундаги ички ва ташқи сиёсати ҳамда келажакдаги юксак мақсадларини яна бир бор яққол таърифлаб бердилар, десак муболаға бўлмайди.

Шубҳасиз, охирги саккиз йил давомида Ўзбекистонда улкан тарихий ислоҳотлар амалга оширилдики, бу ўзгаришлар юртдошларимизнинг онгу тафаккуридан тортиб, кундалик турмуш тарзида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жаҳонда ҳам Ўзбекистонга нисбатан қараш ва муносабатлар тубдан ижобий томонга ўзгарди. Демак, юртимизда кечаётган ислоҳотлар нафақат юртдошларимиз, балки дунёдаги миллионлаб инсонлар тафаккурида ҳам акс садо бермоқда.

Президентимиз нутқида тилга олинган ҳар бир факт ва далиллар – Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг гувоҳи, айрим ўринларда эса унинг иштирокчиси сифатида қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирган бўлса, белгилаб берилган мақсад ва режалар ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Хусусан, Юртбошимизнинг 20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги халқимизга мурожаат ўлароқ янграган нутқида фарзандларимизни замонавий билим ва дунёқараш, даромадли касб эгалари этиб тарбиялаш, уларни илм-фан, ахборот технологиялари, маънавият, санъат, адабиёт ва спорт билан ошно этиш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари: “Бизнинг иккита ўқтомиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири – иқтисодиёт, бири – маънавиятдир. Маънавий буюк халқ – иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади”, деб таъкидлагани бежиз эмас. Бугун дунё шиддат билан ривожланмоқда. Тараққиёт ўлчовлари ҳам мутлақо ўзгарди. Эндиликда глобал тараққиёт индекслари аввалгидек фақатгина саноат ишлаб чиқаришига боғлиқ эмас.

(Давоми 3-саҳифада).

ПАРЛАМЕНТ ХАЛҚ УЙИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК



Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, академик



Бошланиши 1-саҳифада.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Қуйи палата томонидан 130 дан ортиқ янги ва яхлит қонунлар қабул қилинди. Бу – олдинги даврга нисбатан 1,5 карра кўп”.

Шу билан бирга, янги таркибдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи мажлисида парламент фаолиятида ютуқлар билан бирга эътибордан четда қолган масалалар ҳам бўлганига эътибор қаратилди. Президент уларнинг айримларига тўхталди. Хусусан:

биринчидан, тўғридан-тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунлар улуши камлигича қолмоқда;

иккинчидан, парламент назорати тўлақонли таъсирчан институтга айланди, деб ҳозирча айтиб бўлмайди;

учинчидан, Ўзбекистон Президенти таъбирича, “парламент ва депутатлик назорати ижтимоий соҳа билан чекланиб қолмоқда”.

“ДЕПУТАТ – БУ ХАЛҚ ХИЗМАТЧИСИ”

Ўзбекистон Президенти асосли таъкидлаганидек, “парламент – демократия мактаби”, шунингдек, “парламент – халқ уйи”. Ўз навбатида, “депутат – фикри-зикри билан халққа энг яқин одам, доимо эл-юртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс”.

Бу гал Президент Шавкат Мирзиёев халқ ноибларига яна бир янги таъриф берди. Яъни: “Депутат – бу халқ хизматчиси, барчага ўрнак бўладиган, сиёсий билими ва онги юксак, ўз Ватанини чин дилдан севадиган инсондир”.

Шу маънода, депутатнинг масъулияти – халқ ишончини қандай оқлашида намоён бўлади. Чунки халқ вакиллари сифатида депутат ва парламент халққа хизмат қилади.

Ўрни келганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятига оид баъзи бир рақамларни келтириш ўринли. Хусусан, қуйи палата 2020–2024 йилларда жами 654 та қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Шундан 135 таси – яхлит, яъни янги қонун лойиҳаси бўлса, 47 таси – халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилишни назарда тутувчи ҳамда 472 таси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси депутатларининг қонун ижодкорлиги ташаббуси кейинги 5 йилда изчил кучайди. Депутатлар томонидан ўтган даврда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 72 та қонун лойиҳаси киритилди.

Депутатларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари кўлами ва самарадорлиги ортди. Халқ вакиллари фаолиятида сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сайловчилари ҳузурига бориши шарт, деган тамойил устуворлигига катта аҳамият берилди. Депутатларнинг сайлов округларида сайловчилари билан қарийб 30 марта учрашуви ташкил этилиб, бу кенг қамровли жараёнда депутатлар 80 минг 254 нафар фуқарони қабул қилди.

Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти доирасида 73 минг 892 та объект, жумладан, аҳоли хонадонлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, ижтимоий соҳа муассасалари ва бошқа кўплаб ташкилот ва корхоналарга ташриф буюрилди. Жойларда ўтказилган 23 мингтадан зиёд учрашувда 48 минг 847 та масала кўтарилган бўлиб, айни вақтга қадар шундан 19 минг 568 таси ижобий ҳал этилди.

Энг муҳими, депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятига янгича шакллар ва усуллар жорий қилинди. Масалан, депутатларнинг сайлов округларидаги ўз сайловчилари билан учрашувларини ҳар ойнинг охирги ҳафтасида ўтказиш ва ушбу учрашувлар якунларини Қонунчилик палатаси ҳамда унинг Кенгаши мажлисларида кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди.

Жойларда ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги Халқ қабулхоналари билан доимий алоқа ўрнатди. Депутатнинг сайлов округида фаолият кўрсатадиган ёрдамчиси лавозими жорий этилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ – ҒОЯЛАР ГЕНЕРАТОРИ, СОҒЛОМ РАҚОБАТ, БАҲС ВА МУНОЗАРАЛАР МАЙДОНИ

Кейинги даврда сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари томонидан ҳудудларда аниқ масала ва йўналишлар бўйича ўрганишлар ўтказиш амалиёти татбиқ этилди.

Табиийки, ўтган саккиз йиллик даврда халқимизнинг сиёсий тафаккури тубдан ўзгарди, сиёсий маданияти сезиларли даражада юксалди. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли ва иштироки кучайди. Шу маънода, Президентимиз парламентда мухолифатни жонлантириш зарурлигига эътибор қаратгани алоҳида диққатни тортади.

Бунинг учун давлатимиз раҳбари парламентдаги мухолифатга кафолатланган ҳуқуқлари сонини 3 тадан 6 тага ошириш, 1 нафар қўмита раиси ва 2 нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаш, ҳар чорақда “Ҳукумат соати” ва парламент сўрови доирасида камида биттадан масала киритиш каби қўшимча ҳуқуқларни бериш таклифини билдирди.

Президентимиз уқтирганидек: “Янги даврда парламент чинакам халқ уйи, унинг қуйи палатаси эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланиши керак”.

Содда қилиб айтганда, сайловлардаги соғлом рақобат, мухолиф фикрлар кураши парламентга кўчиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Бу, албатта, халқимиз манфаатларига мос қонунлар ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Энг асосийси, давлат раҳбари партиялар сайлов кампанияси давомида илгари сурган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган ҳар бир таклиф, албатта, кўриб чиқилиши ва амалга оширилишини таъкидлади.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИНИНГ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ РИВОЖИДАГИ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Президенти ўзининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, ўтган 5 йилда 38 та қонун лойиҳасини киритди. Бу билан давлатимиз раҳбари “Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт”, деган ўз қатъий талабини рўёбга чиқариш борасида парламент аъзоларига намуна кўрсатди.

Президентимиз парламент фаолиятини барча йўналишлар бўйича ривожлантириш борасида мунтазам ўз таклифларини бериб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, Юртбошимизнинг қонун лойиҳалари сифатли, халқчил бўлиши ва жамоатчиликнинг қонун ижодкорлигидаги фаол иштирокини таъминлашга доир ташаббусларига амал қилган ҳолда, ўтган даврда Қонунчилик палатасига киритилган 18 та қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Қонунчилик палатасида қонунларни уч ўқишда муҳокама қилиш тартиби жорий қилинди. Қонун лойиҳалари муҳокамасида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада ошди. Яхлит кодекслар қабул қилиш амалиётига ўтилди. Натижада Сайлов, Шаҳарсозлик, Меҳнат, Тадбиркорлик ва Сув кодекслари қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда Қонунчилик палатаси фаолиятида жамоатчилик иштироки янада кучайди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда 100 минг нафардан кам бўлмаган фуқаролар ўз таклифларини қуйи палатага киритиш ҳуқуқига эга экани кафолатланди.

Шу муносабат билан Президентимиз фуқароларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссиясини ташкил этишни таклиф қилди.

ТАЪСИРЧАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ – САМАРАЛИ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОМИЛИ

Президентимиз миллий парламентнинг олдинги таркиби аъзоларига худди шу чорлов билан чиққанди. Қонунчилик палатасида ўтган даврда парламент назоратининг барча шаклларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнгги беш йилда 75 та парламент назорати тадбири амалга оширилди. Жумладан, Бюджет ижроси назорати юзасидан – 19 марта, Давлат дастурлари бажарилиши юзасидан эса 17 марта “Ҳукумат ҳисоботлари” тингланди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга кўра, Давлат бюджети ижроси устидан назоратни амалга ошириш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига киради. Ушбу муҳим ваколат депутатларимиз зиммасига катта масъулият ҳам юклашига эътибор қаратар экан, Президентимиз бу борадаги бир қатор истиқболли вазифаларни санаб ўтди.

Биринчидан, Қонунчилик палатасининг Давлат бюджети ижросини назорат қилиш механизмларини янада кучайтиришнинг вақти-соати келди.

Иккинчидан, Ҳукуматнинг Давлат бюджетига доир барча ҳисоботларини қуйи палатага фақат Бюджет кодексида белгиланган аудит хулосаси билан биргаликда киритиш амалиётига ўтиш керак.

Учинчидан, Давлат бюджети ижросини назорат қилишда парламент қўмиталари ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, ҳозирги вақтда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлари устидан парламент назорати деярли сезилмаётганлиги муносабати билан янги сайланган депутатлар ушбу масалага алоҳида ёндашишлари зарур.

Ўтган беш йилда Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш, яъни “Ҳукумат соати” жорий этилди. Бунда Ҳукуматнинг 44 нафар аъзоси депутатларнинг саволларига жавоб берди. Қуйи палата мажлисларида ҳукумат аъзолари, давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан 29 та ахбороти эшитилди.

Ўтган даврда мансабдор шахсларга жами 72 та парламент сўрови юборилди. Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб масалаларига оид 805 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди. Шунингдек, мансабдор шахсларга сайловчилар кўтарган долзарб масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан 1 минг 378 та депутат сўрови юборилди.

Президентимизнинг тақдимига биноан Ҳукумат аъзолигига номзодларни Қонунчилик палатасининг мажлисларида кўриб чиқиш ва уларнинг дастурлари билан танишиш амалиёти йўлга қўйилди. Ўтган даврда 92 нафар номзод шу тартиб-таомил асосида тегишли юқори лавозимларга маъқулланди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ ДИПЛОМАТИЯСИ

Ўзбекистон ташаббуси билан кейинги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва минтақа доирасида бир қатор йирик ташаббуслар илгари сурилди ва халқаро ҳамжамият ҳам бу ташаббусларни кенг қўллаб-қувватламоқда. Ўтган даврда Ўзбекистон Президентининг саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари асосида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 11 та резолюция қабул қилингани бу фикрни тасдиқлайди.

Шу маънода, Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг: “БМТнинг 75 йиллик тарихида биринчи марта Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда миллий парламентларнинг ролини кучайтириш ҳақидаги резолюция қабул қилинди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон давлат ҳокимияти уч тармоғи билан самарали йўлга қўйган амалий ҳамкорлиги бошқа давлатларга ўрнак бўлишга муносибдир”, дея эътироф этгани бежиз эмас.

Миллат Сардорининг жаҳон минбаридан илгари сурган яна бир ташаббуси ҳақида мухтасар тўхталиш жоиз. Гап 2018 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан қабул қилинган “Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисида”ги резолюция ҳақида бормоқда.

Ўшанда давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясидаги чиқишидан кейин Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдўған юзма-юз табриклаб, шундай деганди: “БМТ Бош Ассамблеясида ўзбек тилида сўзладингиз. Илк бор БМТнинг юксак минбарида Имом Бухорий номи Сизнинг тилингизда жаранглагани ҳам муборак бўлсин. Ислом – тинчлик дини”.

Сўнгги йилларнинг муҳим натижаларидан бири шуки, Ўзбекистон парламенти жаҳон парламент харитасида муносиб ўрнини эгаллади. Бу йўлда Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Халқаро парламентлараро алоқаларни тизимли равишда ривожлантириб бориш бундан кейин ҳам депутатларнинг доимий эътибор марказида бўлиши зарур”, деган йўриқлари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Миллий парламентимиз дунёнинг нуфузли халқаро парламент ташкилотларида фаол иштирок этмоқда, янги ташаббуслар билан чиқмоқда. Хусусан, Парламентлараро Иттифоқ, ЕХҲТнинг Парламент Ассамблеяси, Европа парламенти, МДҲ Парламентлар Ассамблеяси, Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси, Марказий Осиё Парламентлари форуми шундай халқаро ва минтақавий ҳамкор парламент ташкилотлари қаторига киради.

Президентимиз эътироф этганларидек: “Ўтган даврда парламент дипломатияси ва парламентлараро алоқалар ташқи сиёсатимизнинг таъсирчан ва прагматик воситасига айланди”. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент дипломатияси концепцияси” қабул қилинди. Шу асосда хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўпқиррали ҳамда самарали ҳамкорлик алоқалари кенгайди, 58 та парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи фаолияти йўлга қўйилди.

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси 2025 йил апрелида Тошкентда бўлиб ўтади. Маълумки, 2023 йил сентябрида пойтахтимизда ушбу нуфузли халқаро ташкилот ҳамкорлигида Аёл спикерлар форуми муваффақиятли ташкил этилди. Бугунги кунда Ўзбекистон парламенти жаҳон парламентаризми даражасида ўз овози ва муносиб ўрнига эга бўлди.

Юртбошимизнинг “Парламентимизнинг тўртинчи чақириқ депутатлари мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўналишини белгилаб берган Асосий қонунимизни янги таҳрирда тайёрлаш ва қабул қилишда жонбозлик кўрсатдилар ва бу Янги Ўзбекистон солномасида ёрқин тарихий воқеа сифатида муҳрланди”, деган юксак эътирофи ҳам юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғидир.

Тараққиёт – муттасил ривожланиш, ўсиш ва юксалиш, деганидир. Шу маънода, давлатимиз раҳбари халқаро парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш бўйича янги ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, қуйи палатада қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш ҳамда иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича парламент комиссияларини ташкил этиш тавсия этилди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб номлаш таклиф қилинди. Мазкур таклиф йиғилиш иштирокчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, Президентимиз нутқида парламент тараққиётининг 8 та устувор йўналиши, таъбир жоиз бўлса, Янги Ўзбекистон парламентининг фаолият дастури кўрсатиб берилди. Энг асосийси, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири этиб белгиланди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида янги сайланган депутатлар қайси масалалардаги қонун лойиҳаларига эътибор қаратишлари зарурлигини санаб ўтди. Президентимизнинг фикрича, шаҳарсозлик реновацияси, улуш киритиш асосида уй-жой қурилиши, мажбурий тиббий суғурта, электр энергиясининг улгуржи бозори, финтех, стартап ва сунъий интеллект каби масалаларда қонунлар қабул қилишга зарурат бор.

Шу ўринда бир қиёсий мулоҳаза: Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида сўзлаган нутқи давлатимиз раҳбари яқинда нашр эттирган “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” номли иккинчи муаллифлик китобининг квитэссенцияси, яъни асар маъносининг қаймоғи, десам тўғри бўлади. Зеро, айни шу китобда “Конституциямизда давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқ эканлиги белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилади”, деган қатъий хоҳиш-ирода баён этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президенти ўттиз етти миллиондан ортиқ аҳолига эга катта давлатнинг парламенти аъзоси бўлишдек улкан шарафга эришган Қонунчилик палатаси депутатларини эл-юртга эзгу хизмат қилиш йўлида доимо қўллаб-қувватлашга тайёрлигини қайд этди. Давлатимиз раҳбари қатъий ишонч билдирганидек, “барчамиз бир тану бир жон бўлиб, сидқидилдан меҳнат қилиб, жонажон Ватанимизни, албатта, том маънода эркин, обод ва фаровон мамлакатга айлантирамиз”.



Конституция, 74-модда:

Сиёсий партиялар турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиши манбалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар тақдим этадилар.

ЦИРКУЛЯР ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ

Бошланиши 1-саҳифада.

Чиқиндиларни қайта ишлаш инфратузилмаси ортиб бораётган юкни кўтара олмаётган бир шароитда атроф-муҳит, аҳоли саломатлиги ва мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига жиддий хавф туғилмоқда. Шу боис, циркуляр иқтисодиёт тамойилларини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш нафақат мақсадга мувофиқ, балки чиқиндиларни барқарор бошқаришни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Циркуляр иқтисодиёт ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш модели бўлиб, у мавжуд материаллар ва маҳсулотларни имкон қадар узоқ вақт давомида тақсимлаш, ижарага бериш, қайта фойдаланиш, таъмирлаш, қайта тиклаш ва қайта ишлашни ўз ичига олади.

Бунда чиқиндилар минимал даражада камайтирилади. Маҳсулотмуддати тугагач, қайта ишлаш йўли билан чиқинди материаллари иложи борича иқтисод доирасида сақланади. Улардан қайта-қайта самарали фойдаланиш мумкин.

Давлат даражасида ҳаракатларнинг етарлича мувофиқлаштирилмагани, қайта ишлаш ва утилизация қилишнинг замонавий технологиялари йўқлиги, саралаш ва қайта ишлаш заруратидан аҳолининг хабардорлиги пастлиги туфайли Ўзбекистонда чиқинди муаммоси долзарблигича қолмоқда. Экологик вазият тезкор чоралар кўриш ва аҳвол янада ёмонлашувининг олдини олишга қаратилган узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони бу муаммони ҳал қилиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ушбу ҳужжат мамлакатнинг ресурсларни бошқаришнинг янада барқарор моделига ўтишга бўлган интилишини акс эттиради. Бу модель қайта фойдаланиш, қайта ишлаш ва чиқиндиларни камайтириш тамойилларига асосланган. Янги идора Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази негизида ташкил этилади ва чиқиндилар билан боғлиқ масалаларда аҳоли, корхоналар ҳамда ҳокимият органлари ўртасида асосий боғловчи бўғин вазифасини бажаради.

Агентлик бу борадаги ишларни амалга оширишда ягона меъёр ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, жараённинг барча иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва чиқиндилар билан боғлиқ давлат мулкини бошқариш масъулиятини ўз зиммасига олади. Самарадорликни сезиларли даражада яхшилайдиган инновацион ечимларни синовдан ўтказиш янги идора ишининг асосий йўналиши ҳисобланади. Бундай таркибий ўзгариш чиқиндиларни бошқаришга ёндашувларда ягоналикни таъминлаш ва соҳага илғор технологияларни жорий этиш имконини беради.

Фармонда Санитар тозалаш корхоналари фаолиятини кузатиш ва баҳолаш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Келгуси йил 1 мартдан бошлаб чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналарнинг асосий самарадорлик кўрсаткичларини (KPI) баҳолаш мезонларини жорий этиш режалаштирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, мазкур компаниялар фаолиятининг очиқ ва шаффофлигини ошириш ва ишини доимий равишда такомиллаштиришдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда чиқиндиларни бошқариш тизимини минтақавий даражада такомиллаштиришнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланди.

2026 йил 1 январдан эътиборан бир қатор инновацион ечимларни жорий этиш режалаштирилмоқда. Жумладан, чиқиндилар билан ишлаш хизматлари бўйича тендерларни онлайн кузатиш ва санитар тозалаш корхоналари фаолиятини назорат қилиш мақсадида чиқинди йиғиш пунктларига видеокамералар ўрнатилади. Бу каби чоралар тизимдаги шаффофликни, шу билан бирга, жамоатчилик ва тадбиркорлик доиралари билан яқин ҳамкорликни таъминлайди. Ўзбекистонда Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг ташкил этилиши жиддий экологик муаммоларни ҳал қилиш йўлидаги муҳим институционал қадамдир. Циркуляр иқтисодиёт атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришга, чиқинди полигонлари ҳажмини қисқартиришга ҳамда ресурсларни қайта ишлаш ва “яшил” технологияларни ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишнинг янги имкониятларини яратишга хизмат қилади.

Мамлакатдаги асосий чиқинди манбаларини шартли равишда тўрт тоифага ажратиш мумкин – саноат, қишлоқ хўжалиги, маиший ва тижорат чиқиндилари.

Саноат чиқиндилари заҳарли моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва кимёвий моддалар, металлар ҳамда пластмассалар каби қайта ишланмайдиган материаллардан иборат. Мамлакатимизда саноат чиқиндилари ҳажми йил сайин ортиб бормоқда, бу эса уларни хавфсиз утилизация қилиш ва қайта ишлаш инфратузилмасини яратишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб, бу соҳада ўсимлик қолдиқлари, ўғитлар ва оқова сувлар каби органик чиқиндиларнинг катта ҳажми тўпланмоқда. Ушбу чиқиндилар компост шаклида иккиламчи қайта ишлаш учун фойдали



бўлиши мумкин, бироқ улар нотўғри утилизация қилинса, тупроқ ва сув ҳавзаларининг ифлосланишига олиб келади.

Маиший чиқиндиларнинг асосий қисми органик чиқиндилар, пластик, шиша, металл ва қоғоздан иборат. Шаҳарлар аҳолисининг демографик ўсиши ва истеъмол даражасининг ошиши сабабли бу турдаги чиқиндилар ҳажми сезиларли даражада кўпайгани санитария тозалаш ва утилизация тизимида жиддий муаммоларни юзага келтирмоқда.

Тижорат чиқиндилари – бу дўконлар, ресторанлар, бозорлар, офислар, меҳмонхоналар, босмахоналар, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахоналари фаолияти натижасида ҳосил бўладиган қаттиқ ва ярим қаттиқ чиқиндилардан иборат.

Бугунги кунда Ўзбекистонда чиқиндиларни утилизация қилиш тизими анъанавий усулга асосланган бўлиб, улар асосан махсус полигонларга кўмилади. Қайта ишлашни жорий этиш бўйича баъзи ҳаракатлар мавжуд бўлса-да, бу чора-тадбирлар ҳали етарли даражада ривожланмаган, тарқоқ ҳолатда. Маиший ва саноат чиқиндиларнинг оз қисми қайта ишланади. Асосан металл, қоғоз ва пластик каби материаллар иккиламчи қайта ишлашга йўналтирилади. Чиқиндиларни алоҳида йиғиш тизимининг йўқлиги вазиятни янада мураккаблаштиради. Натижада аҳоли ҳам, корхоналар ҳам қайта ишлаш жараёнига кам жалб қилинади.

Чиқиндиларни ёқиш иншоотларининг йўқлиги боис Ўзбекистонда бу усул деярли қўлланилмайди. Бироқ агар кам чиқиндили замонавий технологиялардан фойдаланилса, мазкур усулни жорий этиш орқали тўлиб-тошган полигонлар муаммосини қисман ҳал қилиш мумкин.

Чиқиндилар билан ишлаш тизимидаги камчиликлар атроф-муҳитга ҳам, мамлакат иқтисодиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши сир эмас. Экологик таъсир шундан иборатки, зарарли чиқиндилар полигонларга кўмилганда заҳарли моддалар тупроқ ва ер ости сувларига сизиб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлади. Улардан ажралиб чиқадиган метан ва бошқа иссиқхона газлари ҳам иқлим ҳолатига таъсир қилади. Қайта ишланмаган маиший ва саноат чиқиндилари экотизимларнинг бузиллиши, тупроқ ва сув ресурсларининг емирилишидек узоқ муддатли экологик хавфларни келтириб чиқаради. Ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиши эса аҳолининг умумий соғлиғига салбий таъсир кўрсатади ва тиббий хизматларга сарфланадиган харажатларни оширади.

Иқтисодий оқибатлар чиқиндиларни самарасиз бошқариш билан боғлиқ экологик ифлосланишларни бартараф этиш харажатларини, шунингдек, иккиламчи материалларни қайта ишлаш имконини бой беришни ўз ичига олади. Бундан ташқари, эскирган инфратузилмани сақлаш харажатлари ўсишда давом этмоқда, бу эса санитария тозалаш ва чиқиндиларни бошқариш учун давлат харажатларини оширишни тақозо этади.

Хуллас, Ўзбекистондаги мавжуд чиқиндилар билан боғлиқ вазият циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш ва қайта ишлаш ҳамда утилизация қилишнинг замонавий технологияларини жорий этишга қаратилган ислоҳотларни зудлик билан ўтказишни талаб қилади. Ушбу муаммони ҳал қилиш орқали нафақат экологик вазиятни яхшилаш, балки чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш ва ресурс сифатида фойдаланиш ёрдамида янги иқтисодий имкониятларга эга бўлиш мумкин.

Чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ жиддий экологик ва иқтисодий муаммоларга дуч келаётган Ўзбекистон учун циркуляр иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш янги истиқболларни очмоқда. Циркуляр иқтисодиётнинг асосий афзалликларидан бири ресурс харажатларини қисқартиришдир. Анъанавий иқтисодиётда материаллар ишлатилгандан сўнг чиқиндихоналарга ташланади ёки йўқ қилинади, бу эса қимматбаҳо ресурсларнинг бой берилишига олиб келади.

Циркуляр иқтисодиёт бошқача ёндашувни таклиф қилади: бунда чиқиндиларга қайта ишланиши ва қайта фойдаланилиши мумкин бўлган ресурс сифатида қаралади. Бу нафақат янги материалларни харид қилиш харажатларини балки чиқиндиларни йўқ қилиш харажатларини ҳам камайтиради. Циркуляр иқтисодиёт мамлакат ичида қайта ишланган ресурслардан фойдаланиш орқали импорт қилинадиган материаллар ҳажмини қисқартириш имконини ҳам беради.

Бундан ташқари, айланма иқтисодиёт янги иш ўринларини яратишга ёрдам беради. Айланма моделга ўтиш жараёни чиқиндиларни қайта ишлаш, ускуналарга техник хизмат



Нурислом ТЎХЛИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори,
ЎзФА академиги

кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, инновацион технологияларни ишлаб чиқиш каби янги соҳа ва тармоқларни вужудга келтириб, катта миқдордаги қўшимча иш ўринлари яратишга йўл очади.

Технологик инновациялар циркуляр иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ўринга эга. Ўзбекистонда чиқиндилар миқдорини камайтириш ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини минималлаштириш учун материалларни қайта ишлаш ва қайта фойдаланишнинг илғор технологияларини жорий этишда катта имкониятлар мавжуд.

Чиқиндиларни қайта ишлашнинг замонавий технологиялари нафақат камайтириш, балки кейинчалик фойдаланиш учун қимматли материалларни ажратиб олиш имконини беради. Масалан, пластик чиқиндиларни қайта ишлаш қурилиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган янги полимер материалларнинг яратилишига олиб келади.

Органик чиқиндиларни қайта ишлаш орқали биогаз ишлаб чиқариш мумкин ва бу мамлакатнинг қишлоқ ҳудудлари учун муқобил энергия манбаига айланади.

Чиқиндиларни алоҳида йиғиш ва қайта ишлаш тизимларини жорий этиш Ўзбекистон учун истиқболли йўналишлардан бири саналади. Бу қайта ишланадиган хомашё сифатини сезиларли даражада яхшилайди ва уни ташиш ҳамда саралаш харажатларини камайтиради.

Айланма иқтисодиётга ўтишда кичик ва ўрта бизнес ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ресурслардан қайта фойдаланиш ва чиқиндиларни камайтириш тамойилларига асосланган “яшил” бизнес моделларини жорий этиш тадбиркорлар учун янги имкониятлар очмоқда. Ўзбекистон ўзининг фаол тадбиркорлар ҳамжамияти билан айланма иқтисодиёт соҳасида барқарор бизнес-моделлар ва стартапларни ривожлантириш бўйича минтақада етакчига айланиши мумкин.

“Яшил” стартаплар чиқиндиларни қайта ишлашдан тортиб, қайта ишланган материаллардан маҳсулотлар яратишгача бўлган турли соҳаларда фаолият юритади. Масалан, компаниялар мебель маҳсулотлари, кийим-кечак ёки қурилиш материаллари каби иккиламчи материаллардан экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Ижара, товар айирбошлаш хизматлари, иккиламчи савдо учун рақамли платформалар ҳамда техникани таъмирлаш ва тиклаш хизматлари каби ресурслар сарфини камайтиришга қаратилган лойиҳалар ҳам истиқболли ҳисобланади.

Циркуляр тамойилларнинг жорий этилиши давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга йўл очади. “Яшил” стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари ва материалларни қайта ишлаш ва қайта фойдаланиш билан шуғулланувчи корхоналарга имтиёзлар беришнинг ҳам аҳамияти катта.

Таъкидлаш жоизки, чиқинди муаммоси фақатгина инфратузилма ва қайта ишлаш корхоналарининг етишмаслигидан иборат эмас, бу – анъаналар, тарбия ва маданият билан боғлиқ йирик ижтимоий муаммодир.

Бошланиши 1-саҳифада.

Айни пайтда ахборот технологиялари соҳаси башарият ривожининг асосий ўлчов мезонларидан бирига айланган.

Шу маънода, технологиялар жадал равнақ топиб бораётган бир даврда яшаётган ёшлар – замонавий тил билан айтганда, “Z авлод” вакиллари (рақамли дунё болалари) ўзига хос хусусиятлар руҳига эга бўлиб улғаймоқда. Уларнинг дунёқараши, қизиқишлари, маълумот олиш усуллари олдинги авлодларникидан тубдан фарқ қилади. Бу эса ўз-ўзидан уларни тарбиялашда янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Санъат ва маданият соҳалари эса ушбу жараёнда жуда муҳим аҳамият касб этади.



Жумладан, “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш” йилида ҳам мазкур йўналишда улкан ўзгаришларга қўл урилди. Президентимиз келгуси 2025 йилни Ўзбекистонда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилишни таклиф этдилар ва бунинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, “Биз мўътабар она зотини қандай юксак ҳурмат-эҳтиром қилсак, ўзимизни қуршаб турган табиатга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз зарур” дея таъкидладилар.

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда атроф-муҳитга муносабат – келажакка, она сайёрамиз тақдирига муносабат масаласига айланди. Айниқса, бизнинг минтақамиз қай даражада улкан экологик муаммолар билан юзма-юз келаётганини инобатга олсак, бу масала биз учун қай даражада аҳамиятли эканини чуқурроқ англаймиз.

Бугун “яшил энергия”ни ривожлантириш – дунёда экологик вазиятни яхшилашнинг энг самарали воситаси эканлиги ҳам тобора ойдинлашиб бормоқда. Президентимиз яқинда Озарбайжонда бўлиб ўтган БМТнинг Бутунжаҳон иқлим саммитида (COP29) сўзлаган маърузасида қайта тикланувчи энергия – иқтисодий мақсад эмас, балки келажакка қўшилаётган ҳисса, келгуси авлодлар олдидаги масъулият туйғусининг натижаси эканлигини алоҳида таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.

Шундай экан, келгуси йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти учун ҳам муҳим амаҳиятга молик масалалардан биридир. Мана шу далилнинг ўзи ҳам Ўзбекистоннинг глобал муаммоларга эътибори ва ташаббускорлиги ортиб бораётганига яна бир мисолдир.

Айни пайтда атроф-муҳитни асраш фақатгина соҳа ходимларининг вазифаси, деган қараш лоқайдликка берилиш, калтабинлик ва энг катта масъулиятсизлик ҳисобланади. Шу боис ушбу мавзуда юқори савияли, таъсирчан асарлар яратиш орқали халқимизга масаланинг аҳамиятини кенгроқ етказиш жуда зарур.

Ана шуларни назарда тутиб, биз Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳам бир қанча вазифаларни белгилаб олдик. Жумладан, айни пайтда институтнинг ўқув театрида талаба ва ўқитувчилар иштирокида атроф-муҳитни асраш ва экологик муаммоларнинг ҳаётимизга таъсирига бағишланган янги спектакль яратиш лойиҳаси устида иш бошланди. Институт талабалари ўртасида ушбу мавзуда видеороликлар танловини эълон қилиш ҳам режалаштирилмоқда. Шунингдек, машғулот ва маҳорат сабоқларида юртимиз табиатини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, борлиқ билан уйғун яшашнинг аҳамиятини талабалар онгига чуқур сингдиришга янада кўпроқ эътибор қаратилади.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг юқорида қайд этилган маърузалари барчамиз учун келгуси фаолиятимизни ташкил қилишда муҳим дастуриламал вазифасини ўташи шубҳасиз. Чунки уларда Янги Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси қандай бўлиши лозимлиги, олдимизда қандай улкан мақсадлар турганлиги аниқ-равшан баён этиб берилди. Муҳтарам Юртбошимизнинг: “Сиз, ҳурматли депутатлар ва Ҳукуматимиз аъзолари, каттаю кичик барча раҳбарлар мана шу Мурожаатномада белгилаб берилган улкан вазифаларни амалга оширишда фидойилик ва намуна кўрсатиб меҳнат қиласизлар, деб ишонаман”, деган сўзлари ҳар биримизга катта руҳ ва куч бағишлайди.

Нодирбек САЙФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори,
профессор

ЎҚТОМИР

Айниқса, ушбу авлоднинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришда санъат муҳим восита ҳисобланади. Рассомлик, мусиқа, театр, кино санъати ва адабиёт болалар ҳамда ўсмирларнинг тасаввури, ижодий фикрлаш кўникмасини шакллантириб, турли муаммоларга оқилона ечим топиш қобилиятини тарбиялайди. Уларнинг ўз кўнглидаги ҳис-туйғуларини ифода этиш, ўзлигини англаш ва дунёни чуқурроқ тушунишига кўмаклашади.

Маданий қадриятлар фарзандларимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришида беминнат кўмакчи вазифасини ўташига шубҳа йўқ. Ёшларда миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, инсонийлик, бағрикенглик каби фазилатларни шакллантиришда тарих, адабиёт, мусиқа ва рақс санъатининг аҳамиятини ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди. Ана шу нуқтаи назардан айни пайтда муҳтарам Юртбошимиз томонидан санъат, маданият ва умуман, маърифатга улкан эътибор қаратилаётгани замирида нечоғли улуғ мақсадлар мужассам эканлиги аён бўлади.

Маълумки, 2023 йилда биргина маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан 5 карра кўпайди. Соҳага оид 4 та қонун, Президентимизнинг фармон ва 35 та қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 98 та қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Қувонарли жиҳати, кейинги вақтларда хорижий мамлакатларга сафарларимиз чоғида чет эллик ҳамкорларимиз бизнинг юртимизда санъат ва маданият соҳасига бу қадар юксак эътибор қаратилаётганини ўзгача ҳавас ва мамнуният билан эътироф этишларига кўп бор гувоҳ бўляпмиз. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки маданият ва маърифатга бунчалик улкан эътибор қаратилиши тарихда ҳам, жаҳон тажрибасида ҳам кам учрайдиган ноёб ҳодиса ҳисобланади.

Албатта, бундай ғамхўрлик санъат соҳаси вакилларига катта ғурур бағишлаш билан бирга, жуда катта масъулият ва жавобгарлик ҳам юклайди. Энг аввало, юқорида таъкидланганидек, бугунги ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда санъат ва маданиятнинг мислсиз таъсир кучидан унумли фойдаланишимиз зарур.

Айни пайтда дунёда болалар ва ёшларнинг онгу тафаккурини эгаллашга бўлган интилишлар бир зум ҳам тиним билмаяпти. Миллий ўзлигимиз ва қадриятларимизга ёт бўлган бундай ғоя-мақсадларни турли хил мобиль воситалар, хусусан, компьютер ўйинлари, ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар онгига сингдиришга зўр берилмоқда. Афсуски, бугунги тезкор ва шиддатли замонда интернет маконидаги беҳисоб маълумот ва манбаларга холис баҳо бериб, уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариш ҳам осон кечмаяпти.

Бундай синовли жараёнда биз, санъат ва маданият соҳаси вакиллари Янги Ўзбекистонда кечаётган халқчил ислоҳотлар руҳи билан тўйинган, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирадиган рақобатбардош ижод намуналари, яъни миллий контентларни кўпроқ яратиб, уларни барча воситалар орқали ёшларга етказишимиз лозим. Барчамиз шу орқали фарзандларимиз қалбининг ишончли ҳимоячиси ва тафаккурининг тарбиячисига провардида муҳтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган тарихий ислоҳотларнинг чинакам иштирокчисига айланишимиз мумкин.

Юртимизда ҳар бир йилга маълум бир ном бериш, шунга уйғун тарзда давлат дастурини қабул қилиш ва уни амалга ошириш эзгу анъанага айланган.

ТАҚДИМОТ



“МАРДОНА ЭЛЛАРИМ БОРДИР”

Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигига бағишланган адабий-маърифий хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Кенгесбой Каримов ҳамда Ёзувчилар уюшмаси раисининг ижодий масалалар бўйича биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо Президентимизнинг “Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорига асосан юртимизда Ажиниёз ижодий меросини янада оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот беришди.

– Шу кунга қадар Ажиниёз ижодига бағишланган кўплаб учрашувлар, илмий анжуманлар ўтказилди. Илмий анжуманларда Туркия, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистон каби давлатлардан келган меҳмонлар иштирок этиб, бобомизнинг ижоди, илмий мероси ҳақида қимматли фикрлар билдиришди. Ажиниёз Қўсибой ўғлининг китоблари қорақалпоқ, ўзбек, озарбайжон ва турк тилларида қайта нашр қилинди. Бобомизнинг таваллуди нафақат Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон, балки бутун туркий дунё миқёсида кенг тарзда нишонланмоқда, – деди Кенгесбой Каримов.

даги Миллий кино санъати саройида Президентимиз қарорига асосан ишлаб чиқарилган “Ажиниёз” бадиий-публицистик фильмининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Мазкур тақдимотда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Омонбой Ўринбоев ҳам қатнашди.

Фильм Кинематография агентлиги буюртмасига асосан “Қарақалпақфильм” киностудияси томонидан суратга олинган. Сценарий муаллифи, таниқли ёзувчи Муратбай Низанов шоирнинг болалик йилларидан тортиб, балоғатга, сўнг камолотга эришган даврларини ишонарли тарзда бадиий акс эттирган. Асарда Ажиниёз оғирвазмин, фавқулодда ўткир фикрли, мумтоз адабиётнинг катта билимдони сифатида тасвирланган. Саҳналаштирувчи режиссёр Қудрат Отажонов картинада қорақалпоқ миллий колорити, шоир яшаган даврга ишора қилувчи рамзларни маҳорат билан акс эттирган.



Адабий-маърифий кечада ўзбек ва қорақалпоқ санъат усталари томонидан Ажиниёз шеърлари асосида яратилган куй-қўшиқлар ижро этилди. Айниқса, “Элларим бордир”, “Бўлур”, “Қуба қуш” каби ашулалар, “Ажиниёз арияси”, “Орзу” балетидан парча томошабинларга манзур бўлди.

Шу куни Алишер Навоий номи-

Шавкат БОБОМУРОДОВ

* * *

Кун пешиндан кечга қараб оғди. Осмондаги дайди булутлар кечга томон шамол эсиши билан сенг[1]дай суриниб кетди. Ҳозиргина ярқираб турган оқ булутларнинг бетига табиат қора пардасини ёпгандай осмон қовоғини уйиб олди. Қора булутлар сузиб юриб куннинг юзини тўсса, оламни зулмат қоплайди. Гоҳо қуёш нури кўксини қитиқлагандай қора булут ўйнаб чиқиб, чопқиллаб қолса, чақмоқ чаққандек олам юзи ярқ этиб кетади. Қуёш билан булут ернинг ҳусни жамолини кўришга талашгандай шуъла билан кўланка тўқнашиб, баҳслашиб ўйнаб, жонни қитиқлайди, завқни қўзғатади.

Қора уй ёнида араванинг ўқини мойлаётган Қўсибой осмонга илкис-илкис қараб:

– Бу йилги баҳордан буён орадан кун ўтмай, осмон қовоғини уйди-да қўйди-яй. Бугун ҳам бир тўполондан хабар бормикин, ҳарқалай? Тунов кунгидай довул уйингни кўтариб кетмасин. Белдов арқонларини маҳкамроқ боғлайсанг-о! – деб тайинлаб гапирган эди, ичкаридан аёл кишининг товуши чиқди:

– Қўлимдаги пилтани тўлдириб олайин, ҳозир чиқаман...

Шу пайт қуюн кўтарилиб, довулнинг дастлабки жарчисидай овул устини супириб ўтди. Чанг-тўзонни айлантириб учириб бораётган қуюн қўш хўкизини қўлтиғига қисиб олиб кетадигандек Қўсибой қўрага қараб югурди. Қўсибой Очамайли уруғининг Сақий тармоғидан. Молдан икки сигири билан бузоқ-таналарини қўшганда беш-олти бош қора моли, йилқидан бир ғунон билан қулунли бияси, кучли молдан икки хўкизи бор, ўртамиёна хўжалик. Шу ўртаҳолдан ҳам пастга тушиб кетаман деган ҳадикда юрган Қўсибой бултур ўн уйли сақийларга бош бўлиб Бўзатовга чиқди.

Қўсибойга отасидан қолган давлат фойда бермади. Отаси ўлими олдидан тўнғич ўғли Тўребой билан кенжа ўғли Қўсибойга молдан, йилқидан, уй-рўзғор буюмларидан тенг мерос бўлиб берган бўлса-да, бунинг қўраси камайса-камайдики, лекин туёққа туёқ қўшилмади.

Эгиздан саккиз қилиб, моллариннг бошини кўпайтиришга ёшликдан ҳаракат қилмади. Меҳнатга лаёқатсиз, ишёқмас бўлиб ўсган бой боласи йўрғанинг белида қаққайиб юрганида бир куни қўрадаги молнинг камайганини билиб қолди. Отасининг рози-ризочилик сўрашаётганда айтган васияти эсга тушиб, мол-ҳолининг кам-кўстини тўлдиришга ҳаракат қилгани билан йўқнинг ўрни бор бўлмади.

Ёшликда мактаб мулласи ёдлатган китобларни олдига ёйиб, шариат ишлари бўйича шуғулланиб кўрди. Мулла кўплигиданми ёки “руҳи” етмадими, хуллас, Қўсибойнинг бу иши ҳам молни кўпайтиришга фойда бермади. Охири қўш хўкизни боқиб, деҳқончиликка уннади.

“Шу ўрта ҳолимдан ҳам маҳрум бўлиб, бой эшигига гирифтор бўламанми?” деб тўқсон турли тўлғониб яшарди...

Об-ҳавонинг авзойига хавотир билан қараб, ташвишланган Қўсибойнинг эсига ўғли тушиб, уйда ўтирган аёлига:

– Ҳой, хотин! Анави Ажиниёзинг келдими? – деб қичқирди.

Нуржамолнинг қулоғи қўнғироқдек зингиллаб, пилта[2]сини ташлай сола турилган эшик[3]дан қуёшга қараб эди, боласининг мактабдан келадиган вақти ўтиб бораётган экан. Аёл нима деб жавоб қайтаришини билмай шошиб қолди.

АЖИНИЁЗ

Романдан парча



– Ажи-ни-ёз... Вой-вой, шўримай! – Нуржамол қўлини тиззасига уриб, тескари қараб, лабини тишлади. – Авлиёдай қайноғамнинг отини айтиб қўйибман-ғўй, ҳаҳ, анқов бошим-а! Одамни ҳовлиқтириб ўлдирасиз-ей, – деб “сиздан бўлди” дегандай ташқаридаги эрига[4]гина қилди.

Кулгидан қураши[5] ялп-ялп этиб силкиниб ўтирган Қўсибой “бир утдимми”[6] дегандай хотинига ҳазиллашди.

– Нега мени айблайсан. Ўзингнинг бефаҳмлигингни кўрмайсанми? Эркакларнинг отини кайвони, ёши бир жойга етган аёл айтганида кеча тушган келинлардан не умид? Қўй энди, болангни айт!

– Оқ жигитми? “Мактабдан чиққандан сўнг Охун язнанинг уйига бораман” деб эди. Болғали овулига қайрилгандир. Ўтов эгаси бўлишга яқинлашиб қолган бола-ку, юраверсин-да...

– Сен шундай деб турганингдан сўнг бола югансиз тойдай бевош бўлиб кетади. Она ҳам “қайт” деб турмаса, биргина отанинг гапини олармиди? Одобсиз бўлиб ўсади. Тунов куни муллага юборган бир дастурхон нонни олдидан “Ҳақ, суф!” деб қўлини очиб чиққан қаландарларга бериб юборибди.

– Нима қиласиз энди тергайверибди, оғаси, – деди Нуржамол эрини чалғитишга уриниб. – Катта ўғлингиз Матниёзнинг кўнглига худойим ўқишга меҳрни солмади. “Мулла қиламан” деб шунча уриб-сўқдингиз. Нима бўлди? Мана бу ўғлингизни ёмон сўздан, ёмон кўздан сақласин, болаларнинг илғорига ўхшайди

– Эй, қайдам... – деб Қўсибой ичидан боласини яхши кўриб турса ҳам аёлининг олдида сир бой бергиси келмай, икки-учли жавоб қайтарди.

Худди шу пайтда мактаб мулласи Есберген келиб, эшагидан тушди. Қўсибой ўрнида тура сола югуриб, икки қўллаб саломлашди-да, эшакнинг чилвиридан ушлади. Қўсибой эшакни қўрага жойлаштираётганда Есберген:

– Ассалому алайкум! – деб минғирлаб уйга кириб кетди.

Нуржамол қўл қовуштириб, мулла тўрга чиқиб ўтиргунича тик оёқда таъзим қилиб турди.

Омон-эсонлик сўрашгандан кейингина Нуржамол бир тиззасига иягини қўйиб ўтириб, юзини лав[7]дан кўйлагининг ҳилпиллаган узун енги билан беркитиб, меҳмонга кўз қирини ташлади. Бир қарагандан тушунадиган аёл бир ғалати гапни олиб келганини сезиб, зимдан ҳадиксиради. Совуққина кайфият билан ўрнидан туриб, чой қўйишга уннади. Икки қулоғини Есбергеннинг ҳангомасига тутди.

– Қўсибой, манов боланг ноинсоф бўлибди! – Есберген аччиғидан бўғилиб, оғиз-жағининг қат-қат ажинли, қонсиз этлари титраб, “Уҳ!” деди. Бошидаги оқ салласини кўрпача устига чалқанча қўйиб, ичидаги тердан қорайиб кетган тақясини олиб бошига кийди. Сўнгра белидаги белбоғини ечиб, икки-уч қават чопонининг орасидан япроқдай қоғозни олиб, Қўсибойга узатди.

Қўсибой қоғозни қўлига олиб, озгина тикилиб турди-да “пиқ” этиб кулиб юборди. Бу кулгидан Есбергеннинг чақчайган кўзлари чатнаб кетди. Қўсибой ичидан: “Мулла ҳам бир жилмаяр...” – деб эди, у қайтанга хафа, қалампирдай қизарган иймак бурнининг устидаги кўк кўзлари билан ажабтовур қаради. Қўсибой дарҳол кулгисини тийиб, ранжиган кишига ўхшаб муллага қаради.

– Гап бундай... – деди Есберген лабларини буриштириб, – қарғайин деб эдим, сени аядим. Қамчилайин деб эдим, кучим етмади, қочиб кетди.

– Ростдан ҳам шуни ёзибдими? – деб Қўсибой қоғозга қараб ишонмайроқ ўтирди.

– Шул, сенинг боланг ёзиб, болаларга кўрсатиб юрган экан. Қўлидан олдим. Айниган мулланинг оқибати пораҳўр ё шоир бўлади. Ҳамма ҳунарни қуритиб, энди қўшиқ ёзиб юрибди.

Қўсибой аллақанча вақт ўзини ноқулай ҳис қилиб ўтирди. Қоғозга қараса, кулгиси келади, муллага қараса, ранжийди.

– Ёпирим-ай! Шу ёзган эканми? – деб қоғозни очиб, ифодали ўқиди.

Караматдин СУЛТОНОВ

Ол, деса хуш бўлар
кўнгли мулланинг,
Бер, деса тарк этар амрин
Оллонинг.
Қулоқ-бурни бутун келса
калланинг
Ихлос билан дуо ўқишин кўринг.

– Тақсир, бу катта шоирнинг сўзига ўхшайди-ку...

– Сенинг боланг ҳам кичкина эмас, – деб тўнқиллаб Есберген юзини тескари ўгирди. – Ўн беш ёшида ўтов эгаси бўлади. Энди уни қайтадан бешикка белайсанми?! Болаларнинг олдида қандай обрўйим қолди! Бугундан бошлаб мактабга бормасин. Мен қози раисга арз қиламан.

– Қуллуқ, тақсир! – деб чўчиб тушди Қўсибой. Бир марта жаҳлдан тушинг, кечиринг энди, мулла ака! Мен болани сизга: “Суяги меники, эти сизники, қураверинг, танасида жони қолса бўлди”, деб бериб эдим. Сиз ҳам, биз ҳам уриб, тўғри йўлга солайлик. Қозига бориб айтсангиз, бизни тириклай ерга кўмасиз... – Ҳозиргина ичида: “Бу арзимаган бир ҳазил-ку”, – деб ўтирган Қўсибой мулланинг ғазабини кўриб, устига устак қозининг номини эшитгандан сўнг ялиниб қўяверди. – Қаҳрингиздан кечинг... Тақсир!

Қўсибой қўлини чўнтагига тиқиб, икки тиллани мулланинг олдига қўйди.

– Манавини чой пули қилинг, тақсир! Бу гап шу уйда, икковимизнинг орамизда қолсин!

Мулла бир пас рўйхушлик бермай ўтиргач тангани ён чўнтагига солди.

– Яхши! Фақат сен учун афв этдим. Бироқ у энди мактабга бормай қўя қолсин. Мен энди унинг юзини кўришни хоҳламайман.

– Тақсир, ўзим адабини бераман унинг, ундай қилманг!

– Йўқ! “Иззаи мўмин – ҳаром!”[8] – деб Есберген ўрнидан турди.

Қўсибой унинг ортидан ташқарига чиққанда ҳам, хайрлашаётганда ҳам қайта-қайта ялинди, лекин мулла фикридан қайтмади.

Кўзларини ерга тикиб уйга кирган Қўсибойнинг аҳволини кўриб, Нуржамол куйинди:

– Нега ялинаверасиз? Тағин битта қўйингизни ўзлаштириб оламан деб турибди. Шум бўлмаган мулла борми? Эртага бир эчки олиб бориб беринг, болангизни опичлаб юриб ўқитади...

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси

ИЗОҲЛАР:

[1]Сенг – дарёлар, кўллар, денгизларда куз ва баҳорларда қотиб, яна эриганда оқиб юрувчи бўлак-булак музлар тўдаси, музнинг ёрилиб оқиши.

[2]Пилта – пахтадан йигириб тайёрланадиган ингичка пилик, қорачироқ.

[3]Турилган эшик – усти қамиш ёки кигиз билан ёпилган уйнинг эшиги қамиш чийдан тўқилиб, худди кўйлак енгини шимаргандек қайириб кўтариб қўйилади.

[4]Урф-одат бўйича, аёл ўз боласининг, қайноғаларининг ҳам исмини айтиб, чақирмайди.

[5]Қураш – катта чўгирма.

[6]Утдимми – ютдимми. Жанубий вилоятлар шевасида ҳам “ютдим” деган сўз “утдим” деб айтилади.

[7]Лавдан – юпқа ипак газламадан тикилган кўйлак.

[8]Мўмин одамни изза қилган киши гуноҳкордир.

ЖАҲОН АЙВОНИДА



Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Тожикистон билан чегарасидан ID-карта орқали ўтиш мумкин бўлади. Ҳозирги вақтда фуқаролар Қирғизистонга ID-карта билан бемалол бориб-келмоқдалар. Энди шундай тартибни Қозоғистон ва Тожикистон билан ҳам жорий этиш режалаштирилган.

SpaceX олтинчи марта Starship ракетасини синовдан ўтказди. Парвозни Дональд Трамп ҳам кузатиб борди. Starship ҳозиргача қурилган энг қудратли ва энг баланд космик кема бўлиб, 150 тоннагача юкни кўтаришга қодир. Космик кема прототипига эга ташувчи ракета Техасдаги Бока-Чика космодромидан старт олди.





Исломобод Олий суди Покистоннинг собиқ бош вазири ва “Адолат ҳаракати” мухолиф партияси асосчиси Имрон Хонни гаров эвазига озодликка чиқарди. Суд қарорига кўра, Имрон Хон икки миллион Покистон рупийси миқдорида гаров қўйиш шарти билан озод қилинган. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг январь ойида Имрон Хон ва унинг рафиқаси Бушра Бибини коррупция иши бўйича 14 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилган эди.

Буюк Британияда ўн олти ёшгача бўлганлар учун ижтимоий тармоқлар тақиқланиши мумкин. Технологиялар котиби Питер Кайлнинг айтишича, мазкур қонун болаларнинг онлайн хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилади.





Дубайда 300 килограмм оғирликка эга бўлган олтин қуймаси тайёрланди. Бу ҳақда 20 ноябрь куни Дубай амирлиги матбуот хизмати хабар берди. “Emirates Minting Factory” компанияси томонидан тайёрланган қуйма тақдимоти Dubai Metals Конференциясининг 2024 йилги ёпилиш маросимида бўлиб ўтган. Ушбу маҳсулот тарихдаги энг катта олтин қуймаси сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилгани маълум қилинди.

ЯНГИ НАШР

ЯНГИЧА ДУНЁГА

ўзгача назар

Яқинда “Академнашр” нашриёти томонидан ўн беш нафар ёш ижодкорнинг сара асарлари “Ислам” туркумида чоп этилди. Ундан саккизта шеърий, бешта насрий ва биттадан публицистик ва адабий-танқидий мақолалар гулдастаси ўрин олган.

Биз туркумга кирган саккиз нафар иқтидорли шоир ижодини таҳлил этишга жазм қилдик. Уларнинг ижодини туташтирувчи нуқталар умумий фикр, мотив ва мавзулар бўлса-да, услубда бир-биридан фарқ қилади. Тўпламларнинг умумий жиҳати шундан иборатки, уларнинг барчаси бугуннинг шоирлари, бугуннинг муаммосини, жамиятимизнинг оғриқларини, юртдошларимизнинг ички сезимлари, қувончу ташвишларини бирдек ҳис этади.

Шу маънода, XXI асрнинг биринчи чорагидаги Ўзбекистоннинг поэтик манзарасини мана шу саккиз китоб орқали кўриш мумкин.

ШОИРНИНГ ТАВАЛЛОСИ

Мансур Жумаевнинг (охирати обод бўлсин) фергантроп одамига саволлари, “бир юрак юртига” изҳорлари, тавбаю тазарруларга бурканган мисралари – нафақат шоирнинг, балки ҳар биримизнинг кўнглимиздан кечиши мумкин бўлган туйғулар. Ҳаммамиз ҳам илк муҳаббатга дуч келганимизда севгининг ақлга сиғмаслигини тан олганимиз сир эмас. Онамизга бағишланган “Оқ мактуб”имиз ҳам қалбимизда яширин. Аммо қани бу туйғуларни шоирдек ифода этолсак. Шунинг учун ҳам Мансурнинг шеърлари юракюракларга етиб боради. Айтмоқчи бўлганларимизни тилимизга чиқаради: қувонтиради, қайғуга кўмади, керак бўлса, йиғлатади...

Шоир шеърларида илоҳий ишқ васфи, тасаввуфий ифодалар устунлик қилади. Унинг “ақлга сиғмаган” севгиси Яратганнинг яратиғига эмас, балки унинг Ўзига экани сезилиб туради. “Тангрига мактублар” туркумида эса бу ҳолат янада яққол намоён бўлади.

БЕТАКРОР РУҲИЯТ

Нажмиддин Эрматов ҳам бугун ҳақида ёзади, шоирона нигоҳи билан биз яшаб турган жамиятни кузатади, идрок этади ва ўзининг поэтик тафаккури маҳсулини қоғозга тўкади. Аммо унинг бу тўкимлари турли рамз ва ишораларга тўла, маънолар қўлами кенг, ўтмиш ва келажакни ҳам ўзида бирлаштиради.

Китоб бежиз “Турон соғинчи” деб номланиб, “Жон”, “Қон” ва “Шон” каби туркумларга ажратилмаган. Ундаги ишораларни англаш учун тўпламни тўлиқ ўқиб чиқиш талаб этилади. Китобнинг орт муқовасида берилган ёмғир ҳақидаги шеър эса шоирнинг бадиий маҳорати маҳсули, ҳолос. Шоирнинг бир қатор асарларидаги руҳ, кайфият, ғоя ва кескин фикрлар китобнинг том маънодаги юкини белгилаб беради.



ҲАМНАФАС ШЕЪРИЯТ

Адабиётда ижодкор жуфтликлар кўп бўлмаса-да, учраб туради. Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова... Бугунги замонимизнинг ҳам ана шундай бахтли жуфтликлари – Шаҳриёр Шавкат ва Нозима Ҳабибуллаева шулар жумласидандир. “Ислам”да иккала ижодкорнинг китоби бир бутун ҳолда номи ҳам, шакли ҳам монанд чоп этилган. Чунки икки ижодкор ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳамнафас. Бир-бирини тўлдиради, бойитади. Ажабмаски, ўзбек адабиётини ҳам биргаликда абадий бойитса... Уларнинг шеърларини навбат билан ўқисангиз, лирик қаҳрамонлар худди лапар айтишаётгандек бўлади. Бир-бирига айтган изҳорларини, айтимларини китобга жам айлагандек...

ШАҲРИЁР: *Сиз ёмғирни яхши кўрасиз,*
Мен Бетховен эмасман, афсус,
Кўзингизда ноталар сузар,
Сўз оқади томиримда, Сўз!
(“Сиз ёмғирни яхши кўрасиз...” шеъридан)

НОЗИМА: *Сукунатга тортилган тароқ,*
Тун ёйилар сочларимдек тим.
Деразамнинг остида ногоҳ
Серенада куйлаётган ким?
(“Сукунатга тортилган тароқ...” шеъридан)

Аммо китоблар фақатгина изҳордан иборат эмас. Уларда Шаҳриёрнинг оғриқли саволлари, юрагингизга тўғридан-тўғри етиб борадиган ўтли сатрлари, Нозиманинг профессионал мусиқачи сифатида товуш оҳангдорлигини, жилвасини теран ҳис этарак қоғозга тўкилган инжа туйғулари, фалсафий кечинмалари, гоҳ исёнкор, гоҳ музтар ҳолатдаги сирли сезимлари мужассам.

Шаҳриёрнинг мумтоз адабиётдан суғорилган, халқ оғзаки ижодидан таъсирланган гўзал лирикаси билан бирга, ижтимоий мавзудаги шеърлари ҳам кўп. Уларда бугунги давр муаммоларидан тортиб, замонамиз қаҳрамонларигача акс этади.

ТАНИШ УСЛУБДАГИ ЯНГИ БИТИКЛАР

Раҳмат Бобожоннинг шеърларини ўқий туриб Абдували Қутбиддинга “Рўбарў” келгандек бўлдим. Шоирга бағишланган “Йиғлаётган Осима” туркуми эса айнан ўша оҳанг, ўша туйғулар ва ўша оғриқларни ўзида акс эттиради. Аммо дард янги, уни ҳис қилаётган лирик қаҳрамон бошқа. Шу сабабли ҳам “бир тишлам изтироб, бир бўлак қайғу”ни ўзига насиба қилган шоирнинг минг-минг шеърлар орасидан саралаб тўплаган бу гулдаста тўпламида унинг ўзигагина хос овози сезилиб туради.

Шоир дунёни ўзгача кўради, ўзининг дунёси ичра яшайди. Бу унинг ташбеҳларида, тазод ва муболағаларида намоён бўлади. “Ишқ – руҳимга тутилган майдир”, “Дил – узилган бир парча мато”, “Ой – осмоннинг кулгичи”, “Ўзимга алвидом – сенга саломим”, “Кўксимда қиқирлар юрагим”. Бундай қуйма сатрлар ўз-ўзидан яралмайди. Юксак истеъдод ва иқтидорнинг, қолаверса, чуқур изланишлар ҳосиласи ўлароқ пайдо бўлади.

ДАРЁДАГИ ЕЛКАНЛАР

Суҳроб Зиёнинг “Кўнгил елкани”ни ўқиб, ҳали ҳайратларим босилгани йўқ эди. Бу елкан ҳилпираб бораётган “Дарё” эса янада ҳайратларга тўла, ажойиб ҳиссиётлар ва тошқин мавжлар билан лиммо-лим.

Шеър мутлақ музаффар замон олдида,
шеър макон изнига бўйсунмас.
Бир аср илгари ётлар белгилаб
кетган сарҳадларни
тап тортмай бузиб,
у дадил ҳайқирар “Туркистонман”, деб.

У шеър ҳақида шундай ўйлайди. “Шоир – бир кишилик миллат” сифатида халқ қиёфасини ўзида акс эттириши лозимлигини идрок этади. Шунинг учун ҳам Суҳробнинг шеърларида одамлар фақат бахтиёр кўрсин деб ёмғир ёғганда йиғлайдиган, бу дардсиз дунёда юрагини асраб қолишга уринаётган, эл келажаги ҳақида хаёл сураётган қаҳрамонлар гавдаланади.

Шоирдаги руҳий эркинлик, ҳеч кимга бўйсунмаслик унинг шеърларига ҳам кўчган: турли вазн ва усулда ёза олади. Сўзни маржондек териб, гоҳ гўзал шакл яратса, гоҳ улардан “дарё тўлқинлари”ни ҳосил қилади. Энг муҳими, қофия ва вазннинг турли йўсинда товланишлари маънони янада кучайтиради. “Нисбийлик” шеъридаги шаклга эътибор беринг:

Қуш ҳам биздан ҳотамроқ,
чумоли ҳам бардамроқ,
итлар дўстга ҳамдамроқ,
булар биздан одамроқ –
қанот ёлғон, дум ёлғон.

Вужуд – зиндон,
жон – тутқун,
юрак – ўпқон,
қон – тутқун,
бир руҳи нолон тутқун,
тан – суякустун – ёлғон.

Шеър бошдан-охир мана шундай шиддатли оҳангга қурилган. На қофия, на маънога заха етган. Қуйма сатрлар, қуйма шеър мана шундай бўлади, аслида. Китобга кирган шеърларнинг деярли ҳаммасининг ўз оҳанги борлиги сизни ҳайратда қолдиради. Тиғиз ташбеҳлар, қатор шеърий санъатларга йўғрилган тушунарли, содда ифодалар ўқувчини ўзига мафтун қилади-қўяди.

АДАБИЁТНИНГ ВАЗИФАСИ

Жалолиддин Саййид жуда синчков ижодкор. Оддий ҳаётий воқеликлардан, биз кундалик ҳаётимизда минг марта кўриб, эътибор қилмаган жиҳатларимиздан ўзига хос фалсафа топа олади.

Шоирнинг “Чўпон бобо ўгити”, “Ғазаб”, “Ечим”, “Жавобгарлик” каби қатор шеърларида ҳаётий сабоқлар, дидактик услуб мужассам.

Жонингни аяма,
(неча жон бердик)
Замин кафтин ёяр, магар йиқилсанг...
Ҳақ учун, ор учун, жанг қилиб,
эрдек
Ўлмоқ ҳам бир бўлак мазали, билсанг.

КЎНГИЛДАН ТОШГАН ҲИСЛАР

Бугун ўзбек аёллар шеърияти бир қадар юксалганини, поэтик тафаккури ошганини “Ислам” тўплами мисолида кўришимиз мумкин. Аёлларнинг дардлари, оғриқлари, ҳис-туйғулари, кечинмалари шеърга солиниб, ўзига хос услубда тақдим этилмоқдаки, дунё адабиётига бўйлагулик шеърият майдонга келди, деб бемалол айтсак бўлади. Гулҳаё Анорова ижодини кузатиб ана шундай хулосага келиш мумкин. Шеъриятни туйғулар ифодаси сифатида қарайдиган бўлсак, шоира бу ишни қойилмақом қилиб бажармоқда. Ўз услубини яратиш ва манзилига етиш иштиёқида дадил одимламоқда:

...Отам елкасига миниб ўтказган
Умрини тушида кўради кетмон.

Китоб номининг маъносини топиш учун ҳам луғат титишингизга тўғри келади. “Аврон” ўзбек тилининг изоҳли луғатида “тошқин” деган маънони англатиши айтилади. Бу сўз эски ўзбек тилига форсча “аварон”дан ўзлашган бўлиб, ҳозир деярли ишлатилмайди. Шоирнинг ёзилмаган вазифаларидан бири ана шундай унут сўзларни қайта жонлантириш, муомалага киритиш ҳам ҳисобланади. Шоира юрагига сиғмаган, ундан тошиб чиққан сатрларни қоғозга тўкади ва бу тошқин бошқа қалбларга ҳаёт сувини етказади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу саккиз тўплам мисолида ўзбек шеъриятида истеъдодли янги авлод етишиб келаётганини кўриш мумкин. Албатта, “Ислам”нинг биринчи фаслида ҳам шундай ижодкорлар жамланган эди. Уларнинг ижоди ҳали қанчадан-қанча илмий тадқиқотларга мавзу бўлишига ишонамиз.

Бекзод ИБРАГИМОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети мустақил
тадқиқотчиси

ЎҚИДИНГИЗМИ?

ТАРИХ ИЛМИДА ЯНГИ САҲИФА

Халқаро Амир Темур жамоат фонди Соҳибқирон Амир Темур ва тарихимизга оид нодир китобларни нашрдан чиқариб, ўқувчиларга туҳфа қилишда давом этмоқда. Яқинда фонд томонидан босиб чиқарилган Шарафуддин Али Йаздийнинг машҳур “Зафарнома” асарини мамнуният билан ўқиган эдик. Орадан кўп вақт ўтмай, янги китоблар ҳам дунё юзини кўрди.



Ғиёсуддин Али. “Ҳиндистон юриши кундалиги”

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётлигида у ҳақда ёзилган китоблар кўп эмас. Расмий тарихда улар иккита ҳисобланади: биринчиси – Ғиёсуддин Али қаламига мансуб “Ҳиндистон юриши кундалиги” бўлса, иккинчиси – Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асаридир. Уларнинг иккиси ҳам бевосита Амир Темурнинг топшириғи билан ёзилгани эътиборлидир. Шу чоққача тарихчи Ғиёсуддин Алининг ўзбек ўқувчиларига маълум бўлмаган “Ҳиндистон юриши кундалиги” асари илк марта Халқаро Амир Темур жамоат фонди томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этилди.

Ғиёсуддин Алининг “Ҳиндистон юриши кундалиги” тарихий асари Соҳибқирон топшириғи билан ёзилган биринчи асар сифатида аҳамиятлидир. Бошқача айтганда, бу – дастлабки тажриба эди, бу мавзу ҳали очилмаган қўриқ бўлиб ётарди. Амир Темур Кўрагондай қудратли жаҳонгир, улуғ сиймо кўз олдида унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қалам тебратиш, сўз айтиш, ёзиш учун, аввало, катта ишонч, ёрқин салоҳият, олмосдай зеҳн, журъат ва жасорат зарур эди. Айтиш керакки, Ғиёсуддин Али шундай жасоратга, кучга эга эканини намойиш қила олди.

Заҳматкаш олима, филология фанлари номзоди, доцент Раъно Қобулова Ғиёсуддин Алининг “Ҳиндистон юриши кундалиги” асарини ўзбек тилига ўгириш устида узоқ йиллар меҳнат қилди, сидқидилдан тер тўкди. Шу тариқа бугунги кунда ушбу нодир асар ўзбек халқининг мулкига айланди. Бу жуда қувончли ҳодисадир.

Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али.

Бўрибой Аҳмедов. “Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари”

Халқаро Амир Темур жамоат фонди томонидан академик Бўрибой Аҳмедов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг “Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари” асари ҳам нашрдан чиқарилди.

Китобда ўзбек заминида туғилиб вояга етган, дунёга донг таратган саксон нафар тарихшунос, географ олимлар ҳаёти, илмий фаолияти ҳақида мухтасар, аниқ маълумотлар жамланган. Алломалар ичида Муҳаммад Хоразмий, Наршахий, Беруний, Кошғарий, Насафий, Замахшарий, Самъоний, Мирзо Улуғбек, Бобур, Абулғозихон, Абу Тоҳирхожа, Огаҳий, Ниёз Муҳаммад Ҳўқандий ва бошқа кўп сиймолар номларини учратиш мумкин. Китобнинг иккинчи қисмидан Низомий Арузий Самарқандий, Ас-Саолибий, Аҳмад Бухорий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мутрибий Самарқандий, Нисорий, Малеҳо каби олимлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган.

Мазкур китоб ўқувчиларимиз, айниқса, ёш тарихчиларимиз учун ниҳоятда зарур ва қимматли манба вазифасини ўташи шубҳасиз.

Нашр учун масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али.

М.МИРЗАҒАНИЕВ,
Халқаро Амир Темур жамоат
фонди ходими

МУЛОҲАЗА

МАЪНАВИЙ ҲАЛОКАТ ҚАНДАЙ БОШЛАНАДИ?

Катта офатлар ҳам арзимас белгилардан, улкан талофотлар ҳам кичик йўқотишлардан бошланади. Энг даҳшатли ҳалокатлар ҳам кичик эътиборсизликнинг оқибатидир.

Келинг, тарихда кечган бир табиий офатнинг яширин белгиларига эътибор қаратайлик. 1919 йилда ёнгинасида вулқон ухлаётган Ява ороли аҳолиси одатдагидек тинчгина кун кечирарди. Улар мудраб ётган вулқон остида улкан тўфон жунбишга келаётганини хаёлига ҳам келтиришмаган. Худди ҳозирги ахборот ва маданият оламида зимдан мафкура қозони қайнаётганидек...

Мутахассислар орол аҳлини вулқон уйғониши эҳтимолидан огоҳлантиришди. Худди бугун айрим олимларимиз, сиёсатчиларимиз ижтимоий тармоқлардаги ахборотлар, турли чиқишлар, оммавий ахборот воситасидаги турли кўрсатувлару фильмлар ва дунёдаги бошқа ахборот хуружлари остида кўринмас ғаразли куч тўпланаётгани хусусида бонг уришганидек.

Лекин одамлар бундай хавотирли гапларга ишонмай бепарволикка берилди. Чунки вулқон кратеридан ҳар галгидек тутун чиқмаётган, осмонга кул ҳам отилмаётган эдида. Худди ҳозир ҳам ҳеч ким бизга ошкора: “биз сизларнинг, фарзандларингизнинг онгу шуурига ҳужум қилмоқчимиз”, дея ўз мақсадини аён қилмаганидек...

Ява аҳолиси учун ана шу бепарволик жуда қимматга тушди. Яъни, ўшанда вулқон устида тўпланган катта ҳажмдаги сув вулқон оғзидан тутун ва кул отилишига йўл бермаган экан. Бу ҳолат эса кратер оғзида буғ қозонини пайдо қилган ва катта босимни келтириб чиқарган. Сув қизиб, кучли портлашга сабаб бўлган.

Ўшанда бу эътиборсизлик нари борса беш минг кишининг умрига зомин бўлгандир. Бироқ ҳозирги “мафкура вулқони” ҳудуд танламай, янада кенгроқ қанот ёйиши ва бутун бир ёшлар оммасини, ҳатто миллатни ҳалокатга олиб бориши ҳеч гап эмас. Кўпчилигимиз бу хатар Явадаги вулқондан юз карра, эҳтимол минг карра хавфлироқ бўлиши мумкинлигини ҳис қилсак-да, барибир эътиборсизликка бериламиз.

Болалигингизни эсланг, ҳурматли катталар! Агар телевизор ёки ҳаётда мушук сичқонни еб қўйганини кўрсангиз этингиз сесканарди. Бугун жажжи болалар кўраётган мультфильм ва ўйинларга бир қаранг. Масалан, яқинда бир компьютер ўйинини кўриб қолдим. Уни уч ёшли бола ҳам бемалол ўйнай олади. Қўғирчоқ-чақалоқ ва унинг атрофида игналар чайқалиб турибди. Бола қўли билан игнани чақалоққа йўналтиради ва игна баданига санчилганида шўрлик чақалоқ жонҳолатда чийиллайди. Бола эса қийқириб кулади. Энди тасаввур қилинг: ақлини таниб-танимасдан бировга игна санчишдан завқ олган гўдак эрта-бир кун киприк қоқмасдан ўзгаларнинг ҳаётига чанг солмаслигига ким кафолат бера олади?

Ота-боболаримиз бундай кимсаларни “дийдаси қаттиқ” деб айтишарди. Қондан дийдаси қотган одам қондан сесканмас эмиш. Калтакдан дийдаси қотган одамга калтак таъсир қилмас экан. Энди дийдаси қотганларнинг бир гуруҳ бўлиб тўпланишини тасаввур қилинг.

Бугунги кунда инсонларга нисбатан ваҳшийлик, хунрезликни заррача сесканмай амалга ошираётган тўдалар аслида ана шу дийдаси қотиш орқали шаклланмадимикин? Масалан, республикамизда ўтган йили вояга етмаганлар ўртасида 3,5 мингта жиноят содир этилган ва бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 15,6 фоизга ошган. Улардан 74 нафари қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 12 нафари қасддан одам ўлдириш ва 10 нафари одам ўлдиришга уринишда айблангани – бу болаларнинг худди биз таъкидлаган каби “дийдаси қотган”ини исботламайдими? Энг ачинарлиси, бу болалар бор-йўғи 13-17 ёш орасида! Умумий жиноятларни содир этганларнинг 2280 нафари мактаб ўқувчилари, 315 нафари эса қизлардан иборат эканлиги барчамизни кўзимизни каттароқ очишга ундайди.

Демак, болаларимизни тарбиялашда аввало, уларни ота-боболаримиз айтганидек, “дийдаси қотиш”дан асрашга жиддий аҳамият қаратишимиз зарур.

Энди ахлоққа бўлган хуружларга эътибор қаратайлик. Ота-боболаримиз буни “юздаги парда” деб атаганлар. Одамлар кўрсаткич бармоғини юзга суртиб, уят ишорасини кўрсатганида аввало, юздаги ана шу кўринмас ҳаё пардасига ишора қиладилар. Ҳар не бўлса ҳам мана шу кўринмас пардани асрагин, уни асло юзингдан ечма, дейдилар.

Ҳозир четдан кириб келаётган турли ахборотлар, “тарбия усуллари”, замонавий “маданият” кўринишлари, санъат ва адабиётнинг “дурагайлашган” маҳсулотлари айнан ана шу минг йиллик миллий пардага чанг солмоқда. Бугун қатор телеканалларда эфирга берилаётган арзон-гароз кўрсатувлар, ток-шоулар, сериал ва фильмлар ҳам мафкуравий хуружлардан ҳимояланмаган.

Вулқон тутунини ёпиб турган кратер оғзидаги сув каби, бу маҳсулотларнинг ғоявий таъмини гоҳида ишлаб чиқарувчиларнинг ўзи ҳам сезмаётгандай, назаримда. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин. Шу ўринда мен бир қарашда арзимасдек туюлган бир масалага диққатингизни тортмоқчиман. Бу – эр-хотин ва келин-куёвлар ётоқхонасининг ошкора кўрсатилиши билан боғлиқ. Илгари бизда ота-онанинг уйланган фарзандларининг ётоғига ҳатто кундузи ҳам кириш уят саналарди.

Хусусий телеканалларда намойиш этилаётган сериаллару новеллаларни кўринг: аксарият ҳолларда эр-хотиннинг суҳбати айнан ётоқда суратга олинади. Қайноналар ўғли ва келинининг ётоғига бемалол бостириб кириб келишаверади. Нега? Чунки чет эл фильмларида шунақа, бутун воқеалар, ўзаро суҳбатлар ётоқхонада кечаверади. Яна таъкидлайман: бу бошқа ҳолатларнинг олдида арзимас нарса-ку, деб эътироз билдиришга шошманг. Бу – эр-хотин муносабатлари мутлақо парда ортида бўлиши лозим, деган қадриятларимизга зиддир. Вояга етиб келаётган, айниқса, ўсмир ёшидаги болаларнинг ахлоқий қадриятларига путур етказадиган иллат бу. 2023 йили юртимизда 34 мингдан зиёд никоҳ бекор қилинган бўлса, ўтган 2024 йилнинг 10 ойи давомида ажримлар сонин 41 минг 583 тага ошиб кетганига мана шу ахлоқий пардаларнинг кўтарилгани ҳам сабабчи бўлмаяпти, деб ким кафолат бера олади?

Мен кичкинагина бир мисол келтирдим, холос. Кундалик ҳаётимизда бундай “арзимас” ҳолатлар эса, афсуски, қалашиб ётибди ва улар эътиборимиздан мутлақо четда қолмоқда. Бугунги мафкуравий, ғоявий курашлар даврида ёшларга арзимас таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар бир унсур сизу бизнинг диққат марказимизда бўлиши лозим. Бугунги мафкуравий кураш майдонида ҳамма – “жанговор тайёргарликка эга” бўлган одам ҳам, ҳеч нарсадан бехабар киши ҳам бирдай масъул ва жавобгар саналади. Бу майдонда маърифат, огоҳлик, англамоқ, тушунмоқ – асосий ҳимоя қалқони вазифасини ўтайди.

Огоҳ бўлайлик: хуруж давом этаётир!

Шаҳло АҲРОРОВА,
Ижтимоий маънавий тадқиқотлар
институти ходими, фалсафа
фанлари бўйича фалсафа
доктори

ГУРУНГ

ВАҚТ БАРАКАСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил ШУКУР билан суҳбат



– Суҳбатни кундалик турмушимизда учрайдиган ҳолатлар ҳақидаги саволдан бошласам. Кўпинча ёш авлод вакилларига айтилган “ўзбек тилида ёз, ўз она тилингда сўзла” деган чақириқларга дуч келамиз. Аммо қизиқсангиз, айнан ўша ваъзхонларнинг аксарияти боласини таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларга бермаган, оилада ҳам ўзаро мулоқот тили ўзбекча эмас. Оммага ўрнак бўлгулик илм-фан ва маданият соҳаси вакилларининг жамоатчилик олдида зарур бўлмаган пайтларда ҳам фикрини рус тилида ифодалашга уринишига ҳам кўп гувоҳ бўлганмиз. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

– Аввало тилга ҳурмат элга ҳурмат бўлади. Ўз тилини ҳурмат қилган одам, ватанини ҳурмат қилади, элини ҳурмат қилади.

Масалан, мана шу нуқтаи назардан келиб қарасак, сиз айтган мисол жуда хунук ҳолатда аслида. Ўзбек тилига беписандлик билан қараб, “Ҳа, гапимни бир амаллаб, юмалоқ ёстиқдек қилиб етказиб берсам бўлди-да”, деган қараш халққа, миллатга нисбатан жуда ҳурматсизликдир. Ўзбекистонда яшаб туриб ўзбек тилини билмаслик уят саналади. Шу юртни, шу тупроқни ҳурмат қилиш керак.

Мен доим иккита қатлам билан гаплашишни яхши кўраман. Биттаси кексалар, биттаси ёшлар қатлами. Жамиятдаги муҳитни белгилайдиган иккита қутб улар.

Бир нарсани унутмаслигимиз керак. Ўзбек тилининг аҳволи қандай бўлса, халқ тафаккурининг аҳволи ҳам шундай бўлади. Бу худди тарозининг икки палласига ўхшайди. Тил дегани аслида тафаккурнинг шох томири.

– Устоз, бир ижодий учрашувда “Тезликнинг орқасидан қувиб кўп нарсаларга улгурмаяпмиз. Ўзлигимиздан узоқлашиб кетяпмиз” дегансиз. Вақтнинг баракаси нимага боғлиқ, деб ўйлайсиз?

– Вақт ҳақиқатдан тезлашиб кетди. Мен буни “Омочдан космик кемагача” деган мақоламда ҳам айтдим. Одамзод омочдан тракторгача камида олти-етти минг йил юрдиёв, балки ундан ҳам кўпдир. Лекин трактордан самолётгача юрган бўлса, дейлик олтмиш йил юрди. Балки ундан ҳам камроқдир. Шу маънода қарасангиз, тезлик хитоби жуда зўр. Ҳавас қиладиган даражада. Инсоннинг ақлига, унинг кучига, мўъжизаларига боқиб ҳайратга тушасиз. Лекин бир томондан бу тезлик маълум маънода инсон қалбининг хотиржамлигини йўқотиб қўяяпти. Бир ўйлаб кўринг, одам нима учун моддий бойлик тўплайди, пул йиғади? Нима учун карьера қилади? Аслида буларнинг ҳаммаси бир нарса – хотиржамлик учун. Аммо бу ёқда миллион-миллион доллар пули бўлса-ю, кўнгли нотинч бўлса унинг куни қурсин. Ҳозир шундай вазият бўляптики хотиржамлик йўқолиб қоляпти. Бетоқатлик жуда авжига чиққан. Дунё бўйича тарқаган касалликларнинг биттаси шу дейман. Бундай қарасангиз шароитлар жуда зўр. Дейлик XX асрда олти ойда борадиган жойига ҳозир олти соатда етиб боради инсон. Бу шароит дегани. Лекин олти ойда борган одамдан кўра олти соатда борган киши нотинчроқ. Биз истаган хотиржамлик аслида одамнинг ички маърифати, ички маданияти, қалбидаги туйғулари билан боғлиқ экан. Толстой айтганидек, тараққиёт қилиш керак. Лекин бу инсоннинг туйғуларини бой бериш эвазига бўлмаслиги лозим. Тараққиёт инсоннинг ақли билан биргаликда унинг туйғуларинам ҳимоя қиладиган, парвариш қиладиган бўлмоғи даркор. Шу маънода, қачонки бизда туйғулар ғариблашса юқорида таъкидлаганимдек, бетоқатлик бошланади. Асл адабиёт Маҳмуд Кошғарий замонида қанақа вазифани ўтаган бўлса, XXI асрда ҳам шуни бажаради. Орадан яна икки минг йил ўтса-да, асл адабиётнинг вазифаси ўзгармайди. У инсон қалбини ҳимоя қилишда давом этаверади.

Қалб тарбияси деган нарса бор. Қалбни тарбиялаш адабиётнинг жуда катта вазифаси. Қалб тарбияландими? Инсонда ҳамма нарса тарбияланади. Масалан, битта нарсага эътибор қиламан. Абдулла Қодирийнинг китобини олиб шундай ўқияпсиз. Ёки болангиз ўқияпти. Болангиз-ку болангиз, ўзингиз тарбияланасиз ўша пайтда. Сизга ҳеч қачон Абдулла Қодирий нуқиб туриб ўргатаман демайди. Ўз-ўзидан, табиийлик билан тарбиялайди. Саҳифама-саҳифа қалбингизни, фикрингизни, тафаккурингизни, дидингизни тарбиялаб боради. Шунинг учун ҳам бу масалада китобларнинг қадри муҳим. Яқинда Озод Шарафиддиновнинг бир гапини ўқиб, қойил қолдим. Болалар айниб кетяпти, ёшлар ёмон бўлиб кетяпти, деяпмиз. Замон ёмон бўлиб кетяпти, нима қилишимиз керак бошқа. Буни арзон ва жуда осон йўли бор. Ҳамма болаларни китобхон қилиш керак. Китоб ўқишни ўргатинг бошқа ортиқча харажатларнинг ҳам кераги бўлмай қолади. Китоб ўқийдиган бола у бошқача бўлади. Шунинг учун биз адабиётнинг вазифасини ҳар қандай вазиятда ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

– Маҳмуд Саъдий шундай ёзган экан: “Эшқобилнинг хусусияти шундаки, кам гапириб, ҳақиқий иш қилади. Шунинг учун унинг “Бобосўз изидан” китоби маданиятимизда сезиларли воқеа бўлди деб ҳисоблашга арзийди”. Шу китобнинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.

– “Бобосўз изидан” китоби – менинг армоним. Мен бу китоб устида 20 йилдан ортиқ ишладим. Лекин чиқиши 2018 йилдан бошланди. Жуда кўпчиликдан яхши фикрлар эшитдим. Она тилимиздаги кўп сўзлар унутилиб, истеъмолдан чиқаётгани ижодкор сифатида менга қаттиқ таъсир қилган ўшанда. Бу сўзлар она тилимизнинг хазинасидир. Бизнинг вазифамиз – она тили хазинасини сақлашдир. Ва уни худди омонатдек эртанги авлодларга топшириш, ўз навбатида улар ҳам буни омонат англамоғи зарур.

Бошқа тиллардан сўзлар кириб келаверади. Ўн метр қалинликдаги бетон тўсиқ қилганингизда ҳам уни қайтаролмайсиз. Бу табиий жараён. Лекин барибир ўйлаб кўриш керак. Ҳозир кириб келаётган ҳар қандай сўзнинг қўлига “паспорт бериб”, русчасига айтганда “прописка” бериб, уни тўрга ўтказавермаслик керак-да. Ўзимизнинг тилда кириб келаётган шу сўзнинг бирор муқобили борми? Шуни ифодалайдиган ўз сўзимиз борми? Шуни ўйлаб кўришимиз лозим. Агар бўлса, ўз сўзимизни қабул қиламиз. Ҳозиргача “Бобосўз изидан” китобида 500 та сўз ўрганилди. Ундан ташқари, ён дафтардаги ёзувлар бор. “Сўзлар гувоҳлигида” деган бўлимлар бор. У ерда бошқа сўзлар ҳақида ҳам гап кетади.

Шу ишни бошлаганимдан хурсандман, тўғриси. Чекка қишлоқлардан миннатдорлик руҳида ёзилган хатлар олдим. Туркманистон, Тожикистон билан чегара томонларда истиқомат қилувчи инсонлардан мактублар келди. Демак, юртдошларимизда сўзига ўз мулкидек, ўзининг хазинасидек қараш ҳиси ҳалиям бор экан. “Бобосўз изидан” китобини такомиллаштириш устида ишлаяпман. Баъзида битта сўзнинг асл илдизини топиб шундай завқланаманки, буни сўз устида ишлаган одамгина ҳис қилолади. Унинг завқи бўлак. Насиб, Худо қодир қилганича, бу ишни давом эттираман.

– Жадидлик ҳаракати миллат тафаккурида мисли кўрилмаган улкан тўлқинни вужудга келтирган, шундай эмасми?

– Албатта, уларнинг ҳаммаси ўзига хос бўлган. Ҳар бир соҳа вакиллари ўз йўналишида жадидона ҳаракатни амалга оширган. Мен ўзим Абдулла Қодирийни жуда яхши кўриб ўқийман. Эҳ, юрак титраб кетади-да булар ҳақида гапирганда. Қатағон миллатимиз учун жуда катта йўқотиш бўлган. Бир ўйлангда, уларнинг энг катталари 45, 46 ёшда эди. Халқимизга ўша пайтлар Худо берган экан-да... Менда Абдулла Қодирийнинг охирги сурати бор. Шу суратга тик қарай олмайсиз. Қарашга журъатингиз етмайди-да.

Буни мен сўз билан ифодалаб беролмайман. Шубҳасиз, буларнинг барчаси ўз ўрнига эга бўлган. Агар улар қатағон қирғинига учрамаганида ҳозир ўзбек халқи илм-фан, маданият, иқтисод, умуман барча соҳаларда бошқача тараққиёт босқичида бўларди. Кўрдингизми, миллат ривожида шахсларнинг ўрни не чоғлик аҳамиятли. Бугун энди муҳими ёшларимиз уларни яхши билмоғи лозим.

Ҳозир мамлакатимизда жадидлар меросини ўрганиш ва уни тарғиб қилишга давлат сиёсати миқёсида жуда катта эътибор қаратилаётир. Жадидларни ёшларимиз билиши керак. Мана шунда бизнинг қаддимиз кўтарилади. Болаларимиз улуғларимизни билиши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Жадидларнинг ягона мақсади Ватанни, миллатни кўтариш бўлган. Улар бутун ҳаётини шу йўлга тиккан. Буни ёшларимиз билишлари шарт. Бизнинг маънавий пирларимиз булар. Доноларнинг шундай гапи бор: “Ҳар бир пирдан биттадан сўз ёд билинг. Агар бу қўлингиздан келмаса уларнинг исмларини ёдда сақланг. Шубҳасиз, барака топасиз”. Худди шундай Абдулла Қодирий, Чўлпон, Беҳбудий, Фитрат бу – бутун бир катта авлод. Олдингдан оққан сувни қадри йўқ, дейишади. Лекин булар ҳозир ҳам дарёдек оқиб турибди. Бошқа жойга кўза кўтариб югуриб юрмай, ўзимизнинг зилол булоқлар сувидан ичайлик. Мана шулар дарёсидан баҳраманд бўлайлик. Ана шунда интилганимиз, излаганимиз – моддий ва маънавий баракага эришажакмиз.

– Суҳбатлашиш таклифини қабул қилганингиз ва мазмунли фикрларингиз учун ташаккур.

Зарнигор БАХТИЁР қизи суҳбатлашди.

ЯСМИНА ОМАР-МУН:

“МАҚОМ КУЙЛАБ, МАҚОМИМ ОШДИ”



Бошланиши 1-саҳифада.

Айни кунда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг 2-босқич магистриман. Бу даргоҳда устозларимдан ҳар бир қўшиқ сўзларининг маъносига жиддий эътибор бериб куйлашни ўргандим.

Қачондир ўзбек тилини соф гапираман ва мақом йўналишида қўшиқлар айтаман, деб ҳечам ўйламаганман. Бугун мени корейс қизи дейишмайди, “анаву ўзбек қизи, қўшиқни жуда зўр айтаркан-да”, дейишади, корейслигимга кўпчилик ишонмайди ҳам. Мен эса бу гаплардан хурсанд бўламан. Ўзбекистонимизни, ўзбек тилини жуда севаман ва қадрлайман. Ўзбек тилим – ўз тилим. Мақомни куйлаб, мақомим ошди, дейман фахрга тўлиб.

Баъзи бир ўзбек ёшларининг ўз она тилини қадрламаётганига, тўғриси, ачинаман. Мен атоқли ўзбек ёзувчилари ва шоирларининг асарларини, ғазалларини, шеърларини кўп ўқийман, ёд биламан.

Абдулла Қодирийнинг, “Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар”, деган сўзларида бир олам маъно борлигини корейс қизи бўла туриб ҳам яхшигина англайман. Мумтоз адабиётларни кўп мутолаа қиламан. Устозларим ҳам бу йўлда кўмак беришади, қўллашади, билмаганимни ўргатишади. Баъзида ҳар бир сўз оҳанги устида соатлаб ишлаймиз, изланамиз.

Тан олиб айтадиган бўлсам, шу тил, шу миллат, шу юрт одамлари мени ўзбек миллий куй ва қўшиқларига бўлган меҳримни янада кучайтиряпти. Мақом йўналишида айтган ҳар бир қўшиқларимни мухлисларим севиб тинглаяпти, олқишлаяпти. Ижтимоий тармоқдаги саҳифаларимда яхши тилаклар билдиришяпти. Аслида, бахт шу эмасми?

Бугунги кунда жуда кўп хорижлик ёшлар, ўзбекча қўшиқларни куйлаяпти, ўзбек тилида шеърлар ёзяпти. Шулар қаторида ўзим ҳам мақом қўшиқларини айтиб, эл ичида секинаста танилиб боряпман ва бундан фахрланаман.

Асли миллатим корейс бўлса-да, мақтанишга йўймангу, ўзбек тилида яхши гапираман. Болалигимда онамдан ўзбекча гапиришни ўрганганман. Бошида ўн уч ёшимга қадар эстрада йўналишида ўзбекча қўшиқлар айтдим. Кейинчалик мумтоз қўшиқларга меҳрим уйғониб, ўзбек тилини чуқурроқ ўрганишга жиддий аҳд қилдим. Чунки мумтоз қўшиқларнинг сўзларини тушуниш ижрочидан алоҳида тайёргарлик талаб этади. Улғайганим сари англадимки, бу тил жуда нафис, жарангдор ва гўзал экан.

Ўзбекистондай тинч, осуда бир мамлакатда туғилиб, камолга етганим, шу обод ўлкада яшаётганимга ҳар доим шукроналар келтираман. Ўзбекона урф-одатларни, қадриятларни қадрлайман. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан юксак мукофот – “Шуҳрат” медали билан тақдирланганим ҳам менинг бахтим!

Орзуларим кўп. Келгусида ўзбек миллий мақоми мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқчиман. Энг асосийси, ўзим камолга етган шу жаннатмонанд юртимизга муносиб фарзанд бўлмоқчиман, ўз ижодим билан шу муқаддас она Ватанимизга чин дилдан хизмат қилмоқчиман.

З.ИБРАГИМОВА
ёзиб олди.

ТЕАТР САНЪАТИ

ОТА-ЎҒИЛ “ДИЙДОР”И

Халқимизда “отага қараб от чопади, онага қараб тўн бичади”, деган нақл бор. Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев номидаги “Дийдор” экспериментал театр-студияси раҳбари Бобур Йўлдошевнинг санъат соҳасига кириб келиши ўз-ўзидан содир бўлди. Болалиги театрда, актёрлар орасида кечган Бобур 1988 йилдаёқ кино санъатига илк қадамини қўйди. Машҳур режиссёр Баҳодир Йўлдошев ва бетакрор актриса Римма Аҳмедованинг тўққиз ёшли арзанда ўғлига “Туш сотувчиси” деб номланган эртак-фильмидаги бир лаҳзалик роль келажак эшигини очди.

1993 йилда у дастлаб Наби Абдураҳмонов, кейин эса режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг тайёрлов курсларида ўқигач, Ўзбекистон Ёшлар театрида саҳналаштирилган “Зумрад ва Қиммат” эртак-спектаклида илк образини яратади. Ўшанда ўн тўрт ёшда эди. У ўша кезларда таниқли оиладан чиққанига қарамай, театрда барча “қора ишлар”ни бажарганини айтади. Техник бўлиб ҳам ишлаганини, уч ҳафта давомида бутун театр биносини ярқиратиб ювганларини хотирлайди.

У отаси Баҳодир Йўлдошев ва устози Наби Абдураҳмоновнинг иш услуби, дунёқараши, маҳоратини ўзаро солиштириб, ўзига хослик йўлини топди. Шу чоққача олтмишга яқин спектаклни саҳнага олиб чиқди. Буларни саҳналаштиришда ўттиз йил биргаликда фаолият олиб борган устозининг мададига таянди.

Режиссёрлик ҳақида гапирар экан, у шундай дейди:

– Мен режиссёр Баҳодир Йўлдошевга баҳо бера олмайман. Бунга ҳаддим сиғмайди. У кишининг менга актёр сифатида муносабати ҳақидагина гапира оламан. Отам ўта талабчан, қаттиққўл ва маҳоратли режиссёр эди. У билан ишлаш ҳар қандай актёр учун жуда қийин бўлган, менимча. Баҳодир Йўлдошев режиссёрлигида тўртта роль ижро этганман. Шу жараёнда отамга фақат бир мартагина савол берганман ва “жим ўтир” деган дакки эшитганман. Чунки у киши жуда берилиб ишларди. Менга ижро давомида парво қилмасди, фақат кўрсатма берарди. Бошқа пайтда гаплашарди, албатта, аммо иш жараёнида у режиссёр Баҳодир Йўлдошев эди.

Бобур ўз ҳаётини актёрликда кўрарди, режиссёр, қолаверса, раҳбар бўлишни истамасди. Аммо ўз-ўзидан “ота касб” томон кетди, Москва шаҳридаги театр раҳбарлиги курсида ўқиди. Ўзининг режиссёрлик ишларидан эса ҳалича қониқиш туймайди. “Дийдор” театри унга Баҳодир Йўлдошевдан кейинги йўл бўлса-да, ишни унинг йўналишида давом эттиришнинг иложи йўқ. Ўз йўлимни топдим, деб ҳам ўйламайди.

У “Дийдор” ёшлар экспериментал театр-студиясига уч йилдан буён раҳбарлик қилмоқда. Бошида жуда қийналганини айтади. Жавобгарлик, масъулият юки оғир эди. Ижодкор эса озод қуш бўлишни истайди. Бобур Йўлдошевдек эркин актёрга театр директори бўлишдек масъулият оғирлик қиларди.

– Наби Абдураҳмонов асарни бир марта ўқишдаёқ актёрларни саҳнага қўйиб юборарди, – дейди у. – Баҳодир Йўлдошев эса ҳамма ишни пьесани ўқиш жараёнида бажарарди. Отам режиссёр сифатида актёрларга бор талабни асарни ўқиш жараёнида қўйиб бўларди. Саҳнада эса фақат уларни кузатарди. Чунки Баҳодир Йўлдошевнинг актёрлари саҳнага чиққанида ўзи ўйнаётган образнинг ичига кириб кетган бўларди. Мен отамдай талабчан эмасман. Ўзим ҳам актёр бўлганим учунми, уларга кўпроқ эркинлик бераман.

Дарвоқе, Бобур Йўлдошев кинода ҳам ўнлаб ролларни маҳорат билан ижро этган.

Ёшлигида қизиққонлик билан “Нега менинг ҳар бир ютуғимни ота-онамга боғлайдилар”, деб куйинарди. Сўнг “Майли, эътиборга тушишим ортидан мени дунёга келтирганлар эсланаркан”, деб суюнди. Аввалига ўзидан Баҳодир Йўлдошев ва Римма Аҳмедова даражасидаги ижодкорни излади ва ўзигагина хос бўлган йўлни топди.

Бугун унинг театри санъатсевар инсонлар учун маиший мавзудан холи асарларни саҳналаштирмоқда. Ҳаёт ташвишларидан чарчаб, маданий ҳордиқ учун театрга тушган томошабинни яна майда икир-чикирлар ҳақидаги спектакллар билан чалғитишни истамайди у. Ахборот тезлиги забт этган ёшларнинг руҳияти бугун аввалгидай узоқ кўриладиган саҳна асарларига чидамаслигини ҳисобга олиб, спектакларнинг ритмини ўзгартирди. Уч соатлик томошаларни бугунги ёшлар қабул қилмайди. Уларнинг истакиродасидан келиб чиқиб, спектакль давомийлигини бир, бир ярим соатдан нарига ўтказмасликка интилади.

Сўнгги йилларда “Дийдор” ёшлар экспериментал театри саҳнасида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Майсаранинг иши” драмаси асосида “Масхарабозлар иши”, Коки Митанининг “Кулги академияси”, Габриэл Маркеснинг “Патриарх ҳақида афсона” асари асосида “Бузрук ҳақида афсона”, Мар Байжиевнинг “Учбурчак”, Фридрих Дюрренматтнинг “Автоҳалокат”, Ёлқин Тўйчиевнинг “Mono – Lock”, Макс Фришнинг “Ўт қўювчилар”, Уильям Шекспирнинг “Қирол Лир” пьесалари намойиш этилиб, кўп сонли томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Пьесаларда Фарҳод Абдуллаев, Абдуҳалил Мингноров, Карим Мирҳодиев, Эгамберди Раҳимов, Юлдуз Ражабова, Адиз Ражабов, Алишер Узоқов, Озодбек Алимов, Анвар Ҳамроқулов, Маҳлиё Асқаралиева каби истеъдодли актёрлар ўз маҳоратини кўрсатди. Театр жамоасининг галдаги репертуарлари учун эса Темур Зулфиқоров қаламига мансуб “Қафасдаги каклик” асари режалаштирилмоқда.



Бобур Йўлдошев раҳбарлигидаги театр жамоасида элликдан ошиқ ходим фаолият олиб боради. Йигирма нафар сара актёр шу ерда жам. Театр жамоасининг таниқли польяк режиссёри Можай Виктор билан спектакль алмашуви ҳам режада бор. Унга кўра, ҳамкорлардан драматург Можариннинг бир актли спектакли олинади. Уларга эса Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв” спектакли берилади. Қўшма спектакль саҳналаштирилиб, биринчи актда польяк театри “Бахтсиз куёв”ни, “Дийдор” театри эса Можарин асарини намойиш этади.

Бобур Йўлдошев инсоннинг юлдузи ёруғ бўлиши учун фақат иқтидорнинг ўзи камлик қилади, деб ҳисоблайди. Танилиш, ном қозониш учун, албатта, омад ҳам кераклигини таъкидлайди. Эҳтимол, етук ижодкорлар оиласида дунёга келгани унинг дастлабки омади ҳисобланса, ажабмас. Эсини танибоқ театр ва кино оламида яшаган, ҳайратини фильм ва спектакллардан топган истеъдод соҳибининг бугун санъат ва маданият соҳасига қўшаётган муносиб ҳиссаси бор.

М.РУСТАМОВА



“Театр фикрни оммага худди нондек тақдим қилиши керак.

Виктор ГЮГО

“ЁШ ХИВАЛИКЛАР”:
АЛДАНГАНЛАР ҚИСМАТИ



Бошланиши 1-саҳифада.

Ўз сафига ўлкада ривож топаётган савдо-саноат капитали эгалари ва сармоядор заминдорларни бирлаштирган бу оқим мактаблар, касалхоналар қуриш, воҳага темир йўл келтириш орқали ташқи дунё билан ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаришни кўзлаганди. Аммо 1913 йилда Исломхўжанинг хон буйруғи билан ваҳшийларча ўлдирилиши натижасида жадидликнинг бу оқими жиддий зарбага учради ва аксар сармоядор инсонлар қасосдан қўрқиб, ўз қарашларини ўзгартиришди ёки ҳаракатни тарк этишди.

Жадидликнинг сўл оқими тепасида хонликнинг бош қозиси Бобоохун Салимов турарди. Уларнинг мақсади хонликни тугатиш, ўрнида республика ўрнатиш – Оврупадаги давлатларга ўхшаган халқ томонидан сайлаб қўйиладиган раҳбарлик тизимини яратиш эди. Сўл оқим намояндалари ҳам биринчи навбатда икки томонлама зулм остида қолоқликка юз тутган ўлкани маърифат орқали тараққиёт йўлига олиб чиқишни орзу қилишарди.

1914 йил август ойида хонликда “Ёш хиваликлар” фирқаси ташкил қилинади. Янги фирқа ташкилотчиси ва илк йўлбошчиси Полвонниёз ҳожи Юсупов бўлган. Бир қатор хорижий давлатларда бўлган, тўртта тилда бемалол гаплаша оладиган зиёли, жасур инсон ўз халқини озод кўриш орзусида бўлган ҳамфикрларни бирлаштиришга бутун ҳаётини бағишлайди.

“Ёш хиваликлар” фирқаси тасодифан пайдо бўлмаган – Усмонли салтанатини юзага келган инқироздан сақлаб қолиш мақсадида Туркияда тузилган “Ёш турклар” фирқасидан улгу олинганди. (Бухоро амирлигида тузилган “Ёш бухороликлар” фирқасини эсланг!) Шу билан бирга янги фирқа бошида турганларнинг барчаси жадидлик оқими номаяндалари эканлиги, улар эндиликда фақат маърифат деб бонг уриш билан вазиятни ўнглаш қийинлиги, бунинг учун сиёсий ислоҳотлар зарурлигини англаб етишганини алоҳида таъкидлаш керак.

Бу уларнинг дастурий мақсадларида акс этган: хонликни тугатиш, хон томонидан тортиб олинган ерлар ва мулкларни фуқароларга бўлиб бериш, вақф ерларидан келган даромадларни барча туманларда очиладиган бепул мактабларга йўналтириш, йўллар ва кўприклар, касалхоналар қуриш, энг асосийси Хоразмни Туркистон билан бирлаштириш. Дастурдаги сўнгги банд энг муҳими. Негаки жадидлар тарқоқ хонликларни мустамлакачилар осонгина ишғол қилишганини яхши билишар, Туркистон ўлкаси яхлит мушт – ягона давлатга бирлашсагина келажаги хавфсиз бўлиши, жаҳоний тараққиёт йўлига дадил чиқиб олиши мумкинлигини теран ҳис қилишарди.

Янги фирқа етакчилари хонликда таниқли инсонлар бўлишган. Етти насли хонлик бошқарув тизимида девонбегилик қилган Ҳусайин Матмурод девонбеги ўғли, хонлик бош қозиси лавозимини отасидан мерос олган Бобоохун Салимов, бир қатор саноат корхоналари эгаси Назир Шоликоров, Туркияда таҳсил олган мулла Бекчон Раҳмонов ва бошқаларни шу қаторга қўшиш мумкин.

Янги фирқа айнан ўлка болалари учун бепул мактаблар ташкил қилиш ва уларни моддий қўллаб-қувватлашлари натижасида 1915 йилга келиб хонликда ғоятда машҳур бўлиб кетган. Бу, албатта, аввало хонга, эскилик тарафдорлари бўлган кимсаларга, айниқса диндор қатлам вакилларига ёқмасди. Шу сабаб “Ёш хиваликлар”ни обрўсизлантиришга уриниш, ҳатто уларга очиқдан-очиқ қасд қилиш ҳолатлари кўпая боради.

Узоғу яқин тарихда ҳар қандай салтанатда ўнглаб бўлмас силкинишни юзага чиқарадиган бирор тасодиф ҳодиса рўй бериши кўп кузатилган. Хива хонлигида бу ҳолат ишратпараст хоннинг юртга “қиз солиғи” солиш ҳақидаги қароридан сўнг рўй беради. Гурландан зўрлаб хон ҳарамига олиб келинган Асилжон исмли ўн олти яшар қиз Асфандиёрга хотин бўлишдан бош тортиб, ўз жонига қасд қилади. Бу фожиа бутун ўлкага яшин тезлигида тарқайди ва исён ҳиди анқиб қолади.

Гурлан ва Манғит беклигидан хон сиёсатига қарши бўлганлар Хивага юриш бошлайди. Уч мингдан зиёд қуролланган оломонга туркманлар сардори Қурбон Мамед сардор – Жунаидхоннинг қўшилиши вазиятни кескин ўзгартириб юборади ва хонни таҳликага солади.

“Ёш хиваликлар” етакчилари айни шу вазиятдан фойдаланиб қолади. Улар исёнчиларни Хива остонасида тўхтатиб, масалани ҳал қилишни зиммаларига олишади ва хон билан музокора ўтказиш учун саккиз нафар кишини танлашади. Аммо, исёндан довдираб қолган Асфандиёрхон музокорачилар билан сулҳга осонликча кўнмаслик учун вақтдан ютишга ҳаракат қилаётгани (Бу пайтда хон югурдаклари Туркистон генерал-губернаторидан мадад сўраб, шошилинчнома юборишганди) жадидларнинг сабр косасини тўлдириб юборади. Мулла Жуманиёз Султонмуродов Кўҳна Аркка кириб, Асфандиёрни ёқасидан ушлаб, одамлар ҳузурига олиб чиқади ва шу ерда уни сўроққа тутади.

Хон элнинг отаси бўлатуриб ёш қизларга кўз олайтириши ислом арконларига тўғри келиш-келмаслиги бўйича хоннинг бош қозиси Бобоохун Салимовга савол беришади. Шу ўринда асли жадид Бобоохун Салимов ҳам сиёсат осмонида порлаш лаҳзалари етганини англаб, кўп минг кишилик оломон олдида хоннинг қилмиши шариатга тўғри келмаслигини очиқ-ойдин айтиб, Қуръон оятлари ва саҳиҳ ҳадислар билан исботлаб беради. Асфандиёр ўз жонини асраш учун айбни бошқаларга юклайди ва беш нафар юқори мартабали мулозимини исёнчилар қўлига топширади. Уларни Қорақумга чиқариб, қатл қиладилар. Қатл қилинганлар орасида Исломхўжанинг ўғли, отаси ўрнига бош вазирликка тайинланган Исмоилхўжа ҳам бор эди...

Исён тўхтайди. Бу орада хон илтимосига биноан Туркистон генерал-губернатори Сирдарё округи бошлиғи генерал Галкин бошлиқ беш минг нафар пухта қуролланган жазо қўшинини юборади. Хонлик тарихига “Галкин қирғини” номи билан кирган қатлиомда минглаб кишилар ўққа учадилар, исён раҳбарларидан беш киши дорга тортилади, устига устак исёнчилардан хон фойдасига 554 минг сўм товон пули зўрлик билан ундирилади.

“Ёш хиваликлар” раҳбари Полвонниёз ҳожи Юсупов ва Назир Шоликоров “динсизликда” айбланиб, қози судига тортилади. Назир Шоликоров Русия фуқароси эканлиги ҳақидаги ҳужжатни кўрсатиб, жазодан қутулиб қолади. Полвонниёз Юсуповга эса ҳамфикр танишлари ёрдам бериб, муқаррар ўлимдан сақлаб қолишади.

Асфандиёр генерал Галкин кўмагида “Ёш хиваликлар”нинг кўпчилигини зиндонга ташлатирганди. Фирқанинг омади чопган аъзолари Чоржўй, Мари, Тўрткўл (ўша вақтда Петро-Александровск) ва Тошкент шаҳарларига қочишга муваффақ бўлишганди.

Аслида зулм зулмни туғдиради. Энг ёмони, ожиз қолган томон “Душманимнинг душмани – дўстим” дейилмиш қоидага бўйсунади. Биз буни “Ёш хиваликлар” тақдирида ҳам кўрамиз. Тўрткўлдан қўним топган “Ёш хиваликлар” шу ерда совет ҳукумати ўрнатган босқинчилардан (улар орасида ерлик миллат вакиллари ҳам бўлган) мадад кутишади. Тошкентга қочиб келганлардан Полвонниёз ҳожи Юсупов ва Назир Шоликоров Туркистон ўлкаси халқ комиссари кенгашига мурожаат қилиб, хон зиндонидаги фирқадошларини озод қилишда ёрдам сўрашади.

Шу ўринда жадидлар ўз ғоялари амалга ошиши учун вақт ва манзил билан ҳисоблашмаганликларини 1918 йил бошларида Тошкентда “Ёш хиваликлар” фирқаси қайтадан бирлашиб, катта кучга айланганидан кўриш мумкин.

Бу орада “бузулғон юрт”да талатўплар авжига чиққанди. Бундан фойдаланган Жунаидхон 1918 йил январь ойида Хивани ишғол қилади. Асфандиёр қўғирчоқ хонга айланади. 1918 йил 30 сентябрда Жунаидхон Асфандиёрни тахтдан тушириб, ўрнига акаси Саййид Абдуллани ўтқазиб, амалда ўзи юрт эгаси бўлиб олади. (Асфандиёр 1 октябрда қатл қилинган).

Бир ярим йил тахтда ўтирган Саййид Абдулла 1920 йил 25 январда “Ёш хиваликлар” фирқаси талаби билан тахтдан воз кечади. Бобоохун Салимов етакчилик қилган “Ёш хиваликлар” шу йили 1 февралда бўлиб ўтган Умумхоразм қурултойида Хоразм Халқ Республикаси (ХХР) тузилганини эълон қиладилар. Қурултой Республика конституцияси, герби ва бошқа давлат белгиларини қабул қилади. Янгидан тузилган ҳукумат ўн бешта вазирликка “Ёш хиваликлар” вакилларидан нозирлар тайинлайди. Шу йили ХХР номидан Бобоохун Салимов бошлиқ қурама Петербургга боради ва 1920 йил 13 сентябрда РСФСР ҳукумати билан иқтисодий-сиёсий шартнома имзолайди. РСФСР расман ХХРни тан олади, аммо...

“Ёш хиваликлар” хон зулмидан бедод айтиб, Тўрткўл ҳамда Тошкентдаги советлар ҳузурига боришган ва шулар ёрдамида хонни тахтдан ағдариб, ўз мустақил давлатини тузишганди. Улар “душманимнинг душмани – дўстим” деганлар ҳатто олдинги душманлари – хон ва унинг амалдорларидан ҳам ёвуз эканлигини қайдан билибди, дейсиз.

...Большевикларнинг Хоразмга юборган элчиси Бик деган кимса ҳукумат йиғилишида тўсатдан сўзга чиқиб, ўлкада пахта етиштиришни ошириш бўйича кўрсатма беради. (Элчининг мақоми – икки давлат ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишдан иборатлиги, элчи буйруқ бериш ваколатига эга эмаслигини Бик дегани билмасмиди? Биларди, албатта!)

Тошкентда мустаҳкам ўрнашиб олган совет ҳукумати “Ёш хиваликлар”дан янги республика атамасига “социалистик” сўзини қўшишни ҳамда большевиклар партияси ташкилотларини тузишни талаб қилишади.

Янги республика пойтахтида ҳамда дарё ортидаги Тўрткўл шаҳрида большевикларнинг пухта қуролланган кўп сонли қўшини пайдо бўлади. Улар ҳар қандай эътирозга куч ишлатиш билан жавоб қайтаришади. Янги республика ҳукумати раиси ва марказий ижроий қўмитаси раҳбари тўрт йилда ўн марта алмаштирилгани, қирқ нафарга яқин нозирлар қатл қилингани, кўпчилиги қувғинга учрагани шундай “ўйинлар” натижасидир...

Бир вақтлар хон билан келишиб, жадидларга қарши бўлган Жунаидхон хатосини кеч бўлса-да англаб, босқинчиларга қарши ғазот эълон қилади – ўлкада бешафқат фуқаролар уруши бошланиб кетади.

“Ёш хиваликлар” фирқаси бошида турган мустақиллик ҳаракати айнан советлар ва уларга эргашиб алданган туб аҳолидан таркиб топган оломон туфайли мағлубиятга учрайди.

Ушбу фирқани тузган, ўлкага янги нафас олиб кириш орзусида бўлган инсонларнинг бирортаси ўз ажали билан ўлмаган. Бобоохун Салимов, мулла Жуманиёз Султонмуродов ва Машариф Қориевни қизил милиция судсиз-сўроқсиз жисмонан маҳв қилган. Биринчи ўзбек сураткаши ва кинооператори Худойберган Девонов, ўлкада янги руҳдаги илк газета ташкил қилган ва унинг бош муҳаррири бўлган мулла Бекчон Раҳмонов, ёшлар ҳаракати етакчиси ва ёзувчи Қурбон Берегин, Олим Қодирий ва бошқа юзлаб миллат ойдинларини 1937-38 йиллардаги Сталин қатағони ўз домига тортган.

...Бундан 110 йил муқаддам эзгу мақсадлар билан тузилган “Ёш хиваликлар” фирқаси ўлка тарихида, гарчи хатолари етарлича бўлса-да, яхши ном қолдиришди. Улар жонларини қурбон бериш эвазига неча-неча авлодлар шуурида мустақиллик ғояси қайта куртак ёзишига ва алалоқибат улуғ истиқлолга эришишимизга руҳан пойдевор вазифасини ўтадилар.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Мулла Сайфитдин Домуллажонов – 1884 йили Косонсой райони Коммунизм қишлоғида туғилган. “Нашри Маориф” ташкилотининг аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. Коллективлаштиришга қарши қаратилган аксилинқилобий қўзғолонга ташкилотчилик қилганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган.

Мўмин Рустамов – 1878 йили Косонсой райони Ароват қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. 1930 йили босмачиликда айбланиб судланган. “Нашри Маориф” аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган пайтда қайта ишланган пишлоқ тайёрловчи бўлиб хизмат қилган. 1929 йили коллективлаштиришга қарши аксилинқилобий қўзғолон кўтарганларнинг энг фаоли бўлгани учун 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган.

Абдулла Токмулин – 1921 йили Наманган шаҳрида туғилган. Миллати татар. “Нашри Маориф” ва “Жамият Исломия” ташкилотларининг фаол аъзоси бўлган. Унга Совет ҳокимиятини дискредитация қилинишига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганлик айби қўйилган. У 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 сентябрдан ҳисобланган.

Қосим Бобоев – 1892 йили Қўқон шаҳрида савдогарлар оиласида туғилган. Миллати ўзбек. 1935 йили партия ҳужжатини сохталаштиргани учун партиядан ўчирилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда хизматчи бўлган. Чет эл разведкаси билан алоқада бўлганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 14 июндан ҳисобланган.

Искандар Камолов – 1882 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси. Ҳибсга олингунгача озиқ-овқат дўкони мудири бўлиб хизмат қилган. У аҳоли орасида миллатчилик тарғиботини олиб боргани, халқ душманларини мақтагани учун 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

Эргаш Бурхонов – 1889 йили Бухоро районида туғилган. 1932 йили колхоздаги камомад туфайли қамоққа олинган. Шунингдек, партия аъзолигидан чиқарилган. Қамоққа олингунга қадар колхоз раиси эди. У “Миллий иттиҳод” ташкилотининг фаол аъзоси бўлган. Ўзининг аксилинқилобий фаолиятини фош этишга уринган шахсларни ҳайдаш билан шуғулланганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

Шарифжон Ибодуллаев – 1902 йили Бухоро шаҳрида туғилган. Қамоққа олингунга қадар дўкон мудири бўлган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси, аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 15 ноябрдан ҳисобланган.

Ҳалил Охун Абдураҳимов – 1889 йилда Андижон шаҳрида туғилган. 1931 йили қулоққа тортилган. “Шўрои Ислом” ташкилотининг собиқ аъзоси бўлган. 1931 йили қамоққа олинган. 1930 йилда колхозчилик ҳаракатига қарши кўтарилган қўзғолонда фаол иштирок этган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши тўқиб чиқарилган иғволарни тарқатганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган.

Абдуғофурхўжа Абдураимхўжаев – 1871 йили Андижон шаҳрида туғилган. “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлган. 1921 йили 3 йил қамоқ жазосига тортилган. Совет ҳокимиятига қарши аҳоли орасидаги аксилинқилобий тарғиботи, мағлубиятчилик характеридаги фаолияти учун 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 19 ноябрдан ҳисобланган.

Ўрол Раҳматов – 1869 йили Жиззах райони Кўшбармоқ қишлоғида туғилган. 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган. 1919 йилдан “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси, имом вазифасида ишлаган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланиб, отиб ташланган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

“ЎЗБЕК ТИЛИНИ ИНТЕРНЕТ ТИЛИГА АЙЛАНТИРАМИЗ”





“Google” ва “Яндекс” мутахассисларига рақобатчи бўлган ўзбекистонлик дастурчилар ҳақида эшитганмисиз? Албатта, эшитгансиз.

Нафақат юртимизда, балки чет мамлакатларда ҳам ўзининг изланиш ва ютуқлари билан дунёга машҳур бўлиб бораётган ўзбекистонлик ёшлар сафи йилдан йилга кенгайиб бораётир. Бугунги мақоламизда ана шундай ҳаракатчан ёш дастурчиларнинг бири ҳақида ҳикоя қилишни ният қилдик.

Муҳаммадсаид Мамасаидов эндигина 23 ёшни қаршилади. У Тошкент шаҳридаги Инҳа университети битирувчиси. Бироқ эришган натижалари оламга татигулик. У ўтган йили “President Tech Award” танловининг сунъий интеллект йўналишида ўзининг “Tahrirchi” лойиҳаси билан биринчи ўринни эгаллаб, нақ 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофотни қўлга киритди. Ҳалоли бўлсин!

“Отам дастурчи. Болалигимдан компьютерлар қуршовида катта бўлдим, – дейди М.Мамасаидов. – Ўсмирлик чоғимдаёқ веб-сайтларда ишлаб, Ай-Ти соҳасидаги тажрибамни ошира бошлаганман. Очиғи, мактабда ўқиб юрган пайтларимда шифокор бўлиш ҳақида кўп ўйлаганман. Лекин ота касби мени барбир оҳанрабодек ўзига тортаверди ва ниҳоят ахборот технологиялари йўналишини танладим. Аввалига Тошкент ахборот технологиялари коллежида таҳсил олдим. Кейин Тошкентдаги Инҳа университетига ўқишга кирдим. Ўқиш жараёнида ўз устимда ишлашдан, изланишдан тўхтамасликка ҳаракат қилдим. Албатта, устозларимиздан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Уларнинг берган билими, маслаҳати ва тавсияси ютуқлар гаровидир. Университетда “Tahrirchi” ва “Tilmoch” жамоаларини тузганмиз.

Жамоа атиги уч талабадан иборат эди ўшанда. Икки йилдан ортиқ вақт мобайнида лойиҳа устида изланишлар олиб бордик. Лойиҳа интернет технологиялари соҳасига бўлган қизиқиш ва ўзбек тилига бўлган меҳримиз уйғунлигининг нишонасидир. Жамоа билан саводхонлик ҳамда она тилига бўлган ҳурматни тарғиб қилишга қаттиқ киришиб кетдик. Натижаси ҳам меҳнатга яраша бўлди. Орзу-ниятларим жуда кўп. Хорижда таълимни давом эттириб, ўз тажрибаларимни амалиётда синаб кўриш учун янада кўпроқ ўқиб, изланмоқчиман. Янги ихтиролар қилмоқчиман. Киндик қоним тўкилган шу она заминга, меҳнаткаш халқимизга озгина бўлса-да нафим тегса, лойиҳаларимиз юртимиз тараққиёти учун хизмат қилса, шунинг ўзи мен учун катта ютуқдир”.

Ҳозирда қаҳрамонимиз сифатли “ўзбекча таржимон”и ва “плагиат текшируви” каби бир қатор истиқболли лойиҳалар бўйича изланишлар олиб бормоқда. Ёш дастурчиларнинг “Tahrirchi” жамоаси 2022 йилда “mGovAward” танловида ҳам ғолиб чиқиб, 50 минг АҚШ долларини қўлга киритишган. Муҳаммадсаид раҳбарлик қилаётган мазкур жамоа айни пайтда ўзбек тилида матн ҳосил қила оладиган тил моделини яратиш устида изланишмоқда.

Талабалик даврининг иккинчи босқичидаёқ унга устозлари томонидан вазифа юклатилган эди. Ёш дастурчи ўзбек тилидаги матннинг имлосини текшириш лойиҳаси бўйича ишлашга қарор қилади. Аммо иш жараёнида бунинг ниҳоятда мураккаблигини англаб етади. Бироқ ўқишдан, изланишдан бир зум ҳам тўхтамаган иқтидорли йигит барибир кўзлаган мақсадига эришади.

“Очиғи, дастлабки кезларда мен она тилимизни танланган лойиҳа учун талаб қилинадиган даражада билмас эдим. Иш жараёнида ўзбек тилини пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Шу аснода миллий тилимиз қай даражада бой ва мукаммал эканлигини англаб етдим ва унга меҳрим янада ошди. Кўнглимда шундай жозибали тил соҳиби бўлган ўзбек халқининг фарзанди эканлигимдан фахрланиш туйғуси пайдо бўлди. Излаган имкон топади, деб бежиз айтилмаган экан, – дейди ёш дастурчи. – “Tahrirchi” – бизнинг асосий ва ягона иш жойимиз. Биз масъулияти чекланган жамият сифатида рўйхатдан ўтганмиз ва “IT Park”даги резидентлигимиз туфайли даромад солиғини икки баравар кам тўлаймиз. Биз яқин келажакда грамматик текширгични ишга тушириш, шунингдек, ўзбек тилидаги чат-ботни яратишни режалаштиряпмиз. Бугун биз ҳамма нарсани тежаш ҳаракатидамиз. Грант маблағларимиз йил охиригача етади. Ҳар қандай стартап учун сармояни жалб қилиш ҳар доим долзарб ҳисобланади. Бунинг учун эса мавжуд маҳсулотларни монетизация қилиш йўлларини кўрсатишимиз керак”.

Ёш дастурчининг келажакдаги режалари ва интилишларини тинглар эканмиз, Янги Ўзбекистонимизнинг истиқболи ана шундай иқтидорли ёшлар қўлида эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Зеро, бугунги ёш авлод эртанги кунимизнинг нурли давомчилари, яратувчилари ва бунёдкорларидир.

Зарнигор ИБРАГИМОВА



> **Доим ўзингиздан шубҳа қилинг ва бирор ишни бундан-да яхши уддалаш мумкин экани ҳақида ўйланг.**
> **Илон МАСК**

ЗАРДА



“Не юз қаролиғ бўлди...”

“Алишер Навоий” спектаклида шоир бобомиз тилидан айтилган шундай сўзлар бор:

“Афсус, бирор осуда дам йўқ,
Кўнгил йиғлайди-ю,
кўзларда нам йўқ”.

Шу кунларда Андижонда, Бобур Мирзо ҳайкали атрофида бўлаётган машмашаларни эшитиб, киши беихтиёр шу сўзларни эслайди.

Хабарларга кўра, Андижон вилояти ҳокимлиги шаҳар марказидаги Бобур ҳайкалини кўчириб, ўрнига йирик савдо мажмуаси, кўнгилочар марказлар қуриш ҳаракатини бошлабди. Ҳайкални Андижон шаҳридаги “Регистон” майдонига кўчириш, бунинг ҳисобига бўшайдиган 1,2 гектар ерга бояги биноларни қуриш кўзда тутилмоқда экан.

Бу янгилик фаолларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда, деб ёзади ижтимоий тармоқлар. Жумладан, “Qalampir.uz” буни “Бобурни “анжанча қувиш” деб атабди.

Ҳокимлик шу тариқа 90 миллион доллар инвестиция киритилишини, ҳайкалнинг кўчирилиши майдон яқинидаги чорраҳада қурилаётган кўприк билан боғлиқлигини иддао қилаётир.

Бу хусусда нима дейиш мумкин?

Аввало, Бобур Мирзонинг ушбу ҳайкали биринчи марта кўчирилаётгани йўқ. Бу муҳташам ёдгорлик яратилганидан сўнг (муаллифи – Ўзбекистон халқ рассоми, машҳур ҳайкалтарош Равшан Миртожиев) дастлаб Андижон вилояти ҳокимлиги олдидаги майдонга ўрнатилган ва анча вақт шу ерда савлат тўкиб турган эди. Лекин ўша пайтда вилоятни бошқарган ҳоким, бир жойда икки подшоҳнинг туришини номақбул деб ҳисоблаган шекилли, ҳайкал ҳозирги майдонга кўчирилган эди. Биз ҳоким, албатта, тўғри қилган, деб ҳисоблаймиз, чунки Бобур Мирзонинг ўзлари ёзганларидек, “Ўнта дарвеш бир гиламга сиғиши мумкин, аммо иккита подшоҳ бир мамлакатга сиғмайди” (гарчи уларнинг бири ҳайкал бўлса-да!).

Демоқчимизки, бобомизнинг ҳайкали бунақанги кўчманчи ҳаётга, сарсон-саргардонликка кўникиб кетган.

Ҳайрон қоладиган томони шундаки, ҳокимлик Бобур ҳайкали турган майдон ўрнида 16 ва 20 қаватли савдо мажмуаларини қуриш ҳақидаги режаларини ҳеч бир тортинмасдан, намойишкорона эълон қилмоқда.

Агарки ҳокимлик ҳайкал ўрнидаги бўшаган ерга савдо мажмуаси эмас, айтайлик, мактаб, боғча ёки шифохона қурамиз, деганида ҳам бу гапни бир нави тушуниш мумкин эди. Нима, савдо мажмуасини бошқа жойда, масалан, бугунги кунда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида қуриш мумкин эмасми?

Ҳозирча эса... ҳозирча наинки Андижон эли, балки бутун халқимиз, маърифатли дунё ҳақли равишда фахр қиладиган буюк шоир ва олим, давлат арбоби ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг муборак сиймоси навбатдаги саргардонлик олдидан “Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди... Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди”, дея маҳзун қиёфада бизларга боқиб турибди.

Шу муносабат билан бир фикр билдирмоқчимиз.

Модомики, Бобур Мирзо, ўтмишда бўлганидек, ўз туғилиб ўсган юртига сиғмай қолган экан, ул зотнинг ҳайкалини биратўла бошқа бир вилоятга, масалан, қўшни Наманган вилоятига кўчириб ўтказишни таклиф этамиз. Нега деганда, Бобур бобомизнинг ҳайкалини ўрнатиш мўлжалланаётган Андижондаги “Регистон” майдонидан келажакда уни тағин бошқа бир жойга кўчирилмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Ахир, яқин кунларда яна кимдир ушбу майдонда ҳам 25 қаватли савдо мажмуаси қуришни истаб қолиши мумкин-ку, тўғри эмасми?

Мулла ХУНОБ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Бутун сўзни халқ ичидан олайлик

Бир синфдошим билан суҳбатлашиб ўтиргандик. Телефон ҳисоби ўчибди. “Wi-Fi” сўради. Узатдим. Дақиқа ўтмай кетма-кет билдиришномалар овози жаранглади. Шунда даладан келмаган тили билан ажойиб гап айтди. “Э-ҳе! Бир кун интернетга кирмаганимга бир сурув хабар кепти!” Қўлига китоб олмаган йигитнинг ташбеҳини кўринг!

Жияним ўғлини уришяпти: “Жим ёт, бўлмаса, Мовлон келади!” Бола шўрлик ўчди-қолди. Қизиқиб сўрадим: “Мавлон деганинг ким?” Изоҳлади: “Мавлонмас, Мовлон! Пишакка лақаб. Мов бўлганда қўйганмиз”. Ё тавба, буни қандай ўйлаб топди? “Мовлон нималигини ўзи билмайди. Лекин қўрқади. Нималигини билса, қўрқмасди” қўшимча қилди жиян.

Кўчада кетаётсам, бир қиз дугонаси билан хўшлаша туриб шундай деди: “Бўпти, кетдим, тел қиларсан”. Ёзишда-ку, майли, лекин гапиришдаям эринишади-я?! “Facebook”ни “Фб”, “Instagramm”-ни “Инста” дейишади. Шу каби унча узун бўлмаган сўзларни ҳам қисқартириб гапиришади-ю, айрим русча узун сўзларни олифталикка тўлиқ, чиройли талаффуз қилишади. Ваҳоланки, кўпининг ўзбекчаси нари борса, икки ё уч бўғин.

Туркий тил нега жанг тили бўлган? Чунки мулоқотга қулай. *Ол, тур, юр, от, қоч, кир...* феъллар аксарияти бир бўғин. Аммо арабча, форсча, русча, инглизча сўзлар узун бўлишига қарамай тилимизга осон ёпишади. Ғалати парадокс (зидлик, қарама-қаршилик, тазод, номутаносиблик)!

Таниқли мутаржимлардан бирининг инглизчадан қилган таржимасини ўқиб, ажабланган-дим. Нега? Аслиятда асар қаҳрамони бақирворди: “O, my God!” (“Ё Тангрим!”) Мутаржим бундай ўгирган: “Аё Роббил Аъламин!” Ҳолбуки, қаҳрамон руҳоний эмас. Кундалик суҳбат парчаси. Акамиз инглизчадан ўзбекчагамас, арабчага ўгирибдилар, шекилли дегандим. Майли, бадиий бўёқ бергиси келгандир, лекин бунчалик чаплаб юбориш шартмасдир?

Ана энди гапнинг индаллосига ўтсак. Кеча биттаси азбаройи зерикканидан Фб(!)га ёзибди: “Холодец”нинг ўзбекчаси нима бўлади?”. Топқир ўзбегим бир дунё вариантларни қалаштириб ташлаганки, ўқиб маза қиворасиз! Мана улар: “ликқилдоқ”, “килкилдоқ”, “қилпилдоқ”, “билқилдоқ”, “жиппилдоқ”, “дирилдоқ”, “ҳил-ҳилдоқ”, “билиқ-билиқ”, “музшўрва”, “юмшоқсовуқ”, “илвира”, “яхнама”, “лиқ-лиқа”, “ликлики”, “аспиқ”, “ҳашлама”, хоразмликлар “дўнгирмо” деркан, биттаси жонини кўп койитиб ўтирмай “пишириб, совутилган яхна гўшт” деб қўя қолди. Мана сизга олам-олам сўз! Халқ зийрак. Халқ доно. Халқ топқир.

Хўш, азиз муштарий, сизда ҳам вариант борми?

Ш.ИБРОҲИМОВ
Фейсбук

ЯНГИ ЛУҒАТ



ТУРЕР – мотоциклнинг бир тури бўлиб, у ҳайдовчилар ва йўловчилар учун қулай ўтириш жойига эга бўлади. Шунингдек, мотоцикл ҳайдовчиларни кирувчи ҳаво оқимидан тўлиқ ҳимоя қилади.



ВАЙФАЙ – интернетга улаш имконини берувчи симсиз технология бўлиб, ундан компьютер, телефон ҳамда планшет каби қурилмаларни радио тўлқинлар орқали интернетга боғлашда фойдаланилади.

НЕТИКЕТ – замонавий технологиялар ривожланган бугунги даврда интернет ҳамжамиятининг хулқ-атвор, мулоқот қоидалари, анъаналари ва маданиятини ўзида акс эттирувчи тушунча.



ЗУМЕР – интернет ва ижтимоий тармоқлар асрида ўсган ва кўпинча “рақамли авлод” деб аталадиган, 2000 йилдан кейин туғилган авлод. Зумерлар олдинги авлодлардан дунёга очиқроқ муносабатда бўлиши билан ажралиб туради.



Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Дилмурод Дўстбеков

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 827
Лотин ёзувидаги адади – 11 904
Медиа кузатувчилар – 19 370
Буюртма: Г – 1139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 21:30
Сотувда нархи эркин.

jadid-media.uz